- 7 0297
Ал-Кинчилик палата УзССР

ХОРАЗМ. Урганч тобора ободонлашмоқда. Янги уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш иншоотлари, фирма ва магазинлар кўпаймоқда. Урганчликлар шаҳар кўчаларида троллейбус юришини кўпдан бери орзу қилишарди. Шу кунларда бу ниятни рўёбга чиқариш

УРГАНЧДА ТРОЛЛЕЙБУС ЮРАДИ

йўлида саъй-ҳаракат қилинмоқда. Чунончи, троллейбус хўжалиги учун депо-устахона биноларини қуриш якунланай деб қолди. Троллейбус қатнови эса истиқлолимизнинг 6 йиллик байрами арафасида йўлга қўйилади.

Амин ЭШМАТОВ.

Қизилқумда қиш. *А. МУРОТОВ олган сурат.*

АНДИЖОН. Пахтаобод туманидаги "Коммуна" жамоа хўжалигининг янги маҳалласида 240 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Энди олисдаги мак-

МАҲАЛЛАДА МАКТАБ

табга қатнаб ўқийдиган ўғил— қизлар маҳалладан нарига чиқмайдиган бўлишди. Келгусида мактаб қаторига маиший хизмат, саломатлик мажмуи бинолари ҳам қўшилади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

КУННОМА

янгиликлар
воқеалар
хабарлар

НУКУС. 480 беморга мўлжалланган республика 1-касалхонасини таъмирлаш бошлаб юборилди. Бу хайрли ишга Қорақалпоғистон агроқурилиш бирлашмаси ҳомийлик қилиб, 600 минг сўм ажратди ва иситиш тармоқларини созлаб берди. Республика Давлат мулкини бош-

БЕҒАРАЗ МОДДИЙ ЁРДАМ

қариш ва тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш қўмитаси 450 минг сўмлик ободончилик ишларини бажаришда кўмаклашди. Республика таъмирлаш -қурилиш трести азаматлари эса ёрдамчи ва хосхоналарни таъмирлаб беришди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Шерободдаги "Купон"акционерлик жамияти ишчилари Ш.Худойбердиева билан З. Шернаева. *Н. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.*

ФАРҒОНА. Вилоятда товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар учун "Ташаббус" танлови эълон қилинди. Бундай ўзига хос синов уч босқичда ташкил этилиб, шаҳар ва туманларнинг энг яхши тадбиркор, ҳунарманд ва фермерларини

ТАДБИРКОРЛАР ТАНЛОВИ

аниқлашга имкон беради. Март ойининг бошларида якунланадиган танлов ғолибларига қимматбаҳо соврин ва совғалар қатори "Бизнес фонд"дан катта миқдорда имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқи ҳам берилди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 11 февраль, сешанба № 18 (22.103).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЖАВОБИ

Андижон вилояти Избоскан тумани Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги маркази Луғумбек қишлоғида истиқомат қилаётган ёш йигит Бахтиёр Раззоқовнинг ҳаётида унутилмас воқеа юз берди: мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов номига йўллаган мактубига жавоб олди.

Қишлоқда ўрта мактабни тамомлаб Тошкентдаги темирйўлчилар техникумида таҳсил олиб қайтган Бахтиёр ўз мактубида мустақиллик йиллари мобайнида жонажон қишлоғида юз берган жуда катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар тўғрисида, айниқса қишлоқ ёшларининг пухта билим олиши учун кенг имкониятлар яратилгани ҳақида ёзган эди.

Куни кеча Бахтиёрга Президентнинг жавоб хати ва эсдалик совғаси топширилди.

(ЎзА).

Иқтисодиёт олами

СОЛИҚ ВА ИСЛОҲОТ

СИРДАРЁ. *Гулистонда вилоят солиқчиларининг бир кунлик семинари ўтказилди. У иқтисодий ислоҳотлар даврида солиқ тизимини янада мукаммаллаштириш муаммоларига бағишланди. Йиғилишда Олий Мажлис депутатлари, ҳуқуқшунослар ва тадбиркорлар ҳам иштирок этишди. Ўзаро очиқ мулоқотда солиқ тизимини янада яхшилаш хусусида мулоҳаза, таклифлар айтилди.*

Абдужалил УМАРОВ.

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАНИГА НИМА ЕТСИН

БУХОРО. *Вилоят пахтакорлари андижонликлар технологияси асосида 11 минг гектар ерга чигитни плёнка остида экишни мўлжаллашган. Бунинг учун 100 дона махсус сеялка ва шунча МТ-80 русумли трактор ҳамда 500 тонна плёнка керак бўлади. Ўзингдан чиққанига нима етсин, деганларидек, Бухоро мотор таъмирлаш заводи ишчилари 6 та дастлабки намунани йиғдилар. Ҳаммаси бўлиб 18 та ана шундай агрегат тайёрланади. Қолгани эса Хоразм вилоятидаги мазкур корхонадан келтирилади.*

Даврон БАҲРОНОВ.

«САРДОР»ГА ХОРИЖ БУЮРТМАСИ

НАМАНГАН. *Учқўрғондаги «Сардор» хусусий фирмаси Бирлашган Араб Амирликларидан буюртма олди. Шартномага кўра фирманинг 23 нафар малакали қурувчиси қисқа тайёргарликдан кейин БААга йўл олади. Фирма сардори К. Тожибоевнинг айтишича, Учқўрғонда бунёд этилган халқ банкининг тўртта биноси хорижликлар эътиборини тортган. Айни пайтда сардорчилар 4-мактабнинг 12 нафар аълочи ўқувчисига стипендия тўлаш билан хайрли иш ҳам қилишмоқда.*

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.



ТОШКЕНТ. «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси.

Абдулғани ЖУМА олган сурат.

ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА ИШЛАЙЛИК!

Партиявий ишларнинг бутун оғирлигини маҳаллаларга, аҳоли истиқомат жойларига кўчириш — шу куннинг талаби билан боғлиқ масала. ҲДП Тошкент шаҳар, ундаги туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлари мазкур йўналишда иш олиб бориб, пойтахт аҳолиси орасида ҲДП дастурий мақсадларини амалга ошириш, ўз таъсирларини кучайтириш ҳамда партиямиз нуфузини оширишда муайян ижобий натижаларга эришмоқдалар. Бу — Ўзбекистон ҲДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида ҳам таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий ижроқўм, айни пайтда, шаҳар партия ташкилотлари зиммасига бу борадаги тўпланган тажрибани мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни таъминлаш, истиқомат жойларида олиб бориладиган ишларни, ислоҳотлар сиёсатининг ҳозирги босқичи ҳамда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш вазифасини юклади.

Асосий куч аҳоли ўртасида олиб бориладиган сиёсий ишнинг фаол шаклларини ривожлантиришга қаратилсин, дейилади ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда. Бунда шаҳар, туман партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлари диққат-эътиборини ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда бевосита иштирок этиш, бунда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари, ҳокимликлар, ҲДПдан сайланган депутатлар билан ҳамжиҳат ҳаракат қилиш муҳим аҳамият касб этади.

МК Котибиятининг «Ўзбекистон ҲДП матбуот нашрларига 1997 йил учун обунани уюшқоқлик билан ўтказиш ҳақида»ги қарори ижроси Сиёсий ижроқўм диққат марказида бўлди. Обуна шартларини бажарган Хоразм вилоят, бир қатор шаҳар ва туман партия кенгашларини Ўзбекистон ҲДП МК Фахрий Ёрлиқлари ҳамда пул мукофотлари билан тақдирлашга, обуна мавсумини намунали уюштиришга самарали

Партия ҳаётидан

ҳисса қўшган бир гуруҳ партия фаолларига Марказий Кенгаш номидан ташаккур билдиришга қарор қилинди. Шу билан бирга, мажлисда қатор партия кенгашлари ва уларнинг раҳбарлари обуна топшириқларини барбод этганликлари учун кескин танқид қилиндилар.

Ёшлар — умидимиз, келажагимиз. Буни яхши тушунган маҳаллий партия кенгашлари меҳнат жамоалари ва истиқомат жойларида турли оммавий-сиёсий тадбирларни уюштириш орқали ёшларни ҲДП ишларига жалб этишга интилмоқдалар. Йигит ва қизлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов фармонлари, ҳукумат қарорларини аҳолига тушунтириш, ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун оммани сафарбар қилишда ҲДП ташкилотларига яқиндан кўмаклашмоқдалар. Бу борада Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари, Тошкент шаҳар партия кенгашларининг фаолияти эътиборга лойиқдир. Сиёсий ижроқўм «Ўзбекистон Халқ демократик партияси кенгашларининг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар янги босқичида ёшлар ўртасида олиб борадиган ишларининг долзарб вазифалари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилиб, ҳали бу соҳада анчагина нуқсонлар, талай муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Уларни бартараф этиш ва ҳал қилиш кечиктириб бўлмайдиган муҳим сиёсий ишдир. Бунинг устига, ҲДП сафларини ёшлар ҳисобидан тўлдиришнинг заҳирасини вуждга келтириш, ёш партия аъзоларини ташкилий жиҳатдан уюштириш масаласи ҳам пишиб етилди. Сиёсий ижроқўм шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ҲДП Тошкент вилояти Қибрай тумани, пойтахтнинг «Ёшлик» шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек тумани ва Фарғона шаҳар кенгашларига, улар қошида, синов тариқасида, ёшлар клубларини тузишни топширди. Маҳаллий партия кенгашларига ёшлар билан ишлашда замонавий услубларни қўллашга эътибор бериш, йигит ва қизларда миллий маънавиятимиз, маданий меросимиз ва умуминсоний қадриятлар заминида соғлом руҳ ҳамда дунёқарашни шакллантириш мақсадида барча имкониятлардан самарали фойдаланиш тавсия қилинди.

Мажлисда, шунингдек, партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Қисқа сатрларда

Хориждан хабарлар

☑ **ПАРИЖ.** Франция ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги Салон-Де-Прованс шаҳридаги учувчилар олий мактабига аёлларни қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарди. Ҳозирги пайтда Франция қуролли кучларида 22 минг нафар аёл хизмат қилмоқда. Лекин, қирувчи самолётларни бошқарадиган аёллар Франция тарихида илк бор хизматга олина бошланди. Салон Де-Провансда жойлашган ушбу олий мактаб мамлакатдаги ҳарбий учувчилар тайёрлайдиган ягона олий ўқув юрти ҳисобланади.

* * *

☑ **ВАРШАВА.** Польшада тамаки чекишга қарши кураш бўйича махсус қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда чекиш маън этилган жойлар рўйхати янада тўлдирилган. Тақиқланган жойларда чекканлар учун эса 2 минг АҚШ доллари миқдоригача жарима белгиланган. Аввалги қонунда тамаки маҳсулотларини радио, телевидение ва ёшлар матбуотида реклама қилиш тақиқланган бўлса, янгисида кинотеатрлар ва бошқа маданий муассасалардаги рекламага ҳам чек қўйилган. Эндиликда 18 ёшга тўлмаган ўсмирларга тамаки сотиш мумкин эмас.

* * *

☑ **НАЙРОБИ.** БМТ мутахассисларининг маълум қилишича, Африкада 12,9 миллион кишининг СПИДга чалингани аниқланган. «ХХ аср вабоси»га мубтало бўлганлар сони бўйича мазкур қитъа дунёда энг юқори ўринни эгаллаб турибди. Ҳозирги пайтда ер юзида 20,1 миллион киши СПИД билан касалланган бўлиб, уларнинг 11 миллиони эркаклар, 9 миллиони эса аёллар экан. Сўнгги маълумотларга қараганда, дунё бўйича ҳар куни 7 минг 500 нафар киши СПИД хасталигини бошқаларга юқтирар экан.

* * *

☑ **БРАЗИЛИА.** Асли келиб чиқиши ливанлик араблардан бўлган, ҳозирда Бразилияда истиқомат қилаётган 48 ёшли Зиёд Юсуф Фасоҳ хорижий тилларни ўзлаштириш бўйича Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. У 58 тилни мукаммал билар экан. Зиёд Юсуф Рио-Де-Женейрода очган ўзининг кичик тил мактабида инглиз тилидан сабоқ беради. Бразилиянинг «Вежа» журнали Зиёднинг бу қобилиятидан шубҳаланиб, уни бир неча тил бўйича текширувдан ўтишга таклиф қилди. Зиёд поляк, фин, япон ва юнон тилидан олинган синовни аъло баҳога топшириб, барчани ҳайратда қолдирди. У тил ўрганишни 14 ёшидан бошлаган экан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 11 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	43,01
1 Австрия шиллинги	4,84
1 Англия фунт стерлинги	92,43
10 Бельгия франки	16,64
1 Голландия гульдени	30,58
10 Греция драхмаси	2,19
1 Дания кронаси	9,01
1 БАА дирхами	15,42
1 АҚШ доллари	56,60
1 Миср фунти	16,68
1 Ирландия фунти	90,28
1 Исландия кронаси	0,81
10 Испания песети	4,06
100 Италия лираси	3,50
1 Канада доллари	41,84
1 Хитой юани	6,83
1 Қувайт динори	187,11
100 Ливан фунти	3,66
1 Малайзия ринггити	22,76
1 Германия маркаси	34,34
1 Норвегия кронаси	8,72
1 Польша злотийси	18,86
10 Португалия эскудоси	3,43
1 Сингапур доллари	40,16
1000 Туркия лираси	0,48
1 Финляндия маркаси	11,60
1 Франция франки	10,18
1 Швеция кронаси	7,74
1 Швейцария франки	39,83
1 ЭКЮ	66,73
10 Жанубий Корея вони	0,65
10 Япония иенаси	4,61
1000 Россия рубли	10,03
1 Украина гривнаси	30,21
1000 Беларусь рубли	2,57
1 Эстония кронаси	4,47
1 Латвия лати	98,43
1 Литва лити	14,15
1 Қозоғистон тенгеси	0,75
1 Қирғизистон соми	3,45

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ТЕАТР САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги билан Театр арбоблари уюшмаси ташкил этган «Наврўз-97» театр санъати фестивали бошланди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган бу санъат байрамида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят театрлари ўзларининг буюк соҳибқирон ва темурийлар ҳаёти ҳамда фаолияти акс эттирилган асарлари билан иштирок этмоқда. Анжуманда Қозоғистоннинг Шимкент вилоят театри ва Қирғизистоннинг Ўш вилоят драма театри ҳам қатнашмоқда.

10 февраль куни Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида фестиваль тантанали равишда очилди.

Маданият ишлари вазири Х.Жўраев фестивални очар экан, бу улкан санъат байрами халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтиришда муносиб ҳисса бўлишини ўқтирди. Театр арбоблари уюшмаси раиси Б.Қориева фестиваль иштирокчиларига катта ижодий муваффақиятлар тилади.

«Наврўз-97» театр санъати фестивалини Ҳамза номидаги республика театри Ўзбекистон халқ шоири А.Ориповнинг «Соҳибқирон» шеърий драмаси асосида яратилган спектакль билан бошлаб берди.

Фестиваль очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов қатнашди.

(ЎзА).

НАВРЎЗ НАФАСИ

ЖИЗЗАХ. Вилоят ҳокимлигида Наврўз байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди. Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш. Чилғашов олиб борди. Шунингдек, вилоят маданият бошқармасининг бошлиғи ўринбосари Н. Исмоилов, шаҳар ҳокими ўринбосари Қ. Сатторов ва бошқаларнинг байрамга тайёргарлик тўғрисидаги ахборотлари тингланди. Баҳор байрами кунлари эса бадиий ҳаваскорлар ва санъаткорларнинг чиқишлари, халқ ҳунармандчилиги ва бошқа соҳалар бўйича кўрик-танловлар уюштириш кўзда тутилган.

Фотима ЖУМАЕВА.

Бу — ҳазил эмас

«РАСТВОРИТЕЛЬ» ИЧИДАГИ ШАРОБ

ёки Сурхондарё вилоятидаги айрим «тадбиркорлар»нинг қинғир ишлари ҳақида

Термиз шаҳри бозорларига энг кўп чиқариладиган нарса... арақ ҳамда вино бўлиб қолди. Бу гапнинг фақат тахминдан иборат эмаслигига ишора бермоқ учун қуйидагиларни илова қиламиз: вилоят солиқ бошқармаси ходимлари 1997 йил 12 январь куни шаҳарнинг иккита бозорида ҳужжатсиз ва акциз маркаларсиз сотувга олиб чиқилган олти минг шиша арақ ва винони назоратга олди. (Билмадим, қонуний йўл билан сотилаётган спиртли ичимликлар қўшилса, шишалар сони қанчага етар экан?)

Бу «фаровон»лик арақнинг касодга учраганиданми ё бозори чаққонлигиданми, бунисиям номаълум.

Лекин, масалан, Ҳусанов Зоир деган шахснинг ўзи бозорга бирваракайига 700 га яқин шиша спиртли ичимлик олиб чиққани арағи қурғурнинг ерда қолмаётганидан нишон беради. Рўза кунлари яна!

Бир-бирининг устидан ёзишу бошқа ўзаро маломатлар туфайли дарвозасидан ҳамиша чанг кўтарилиб турадиган Денов вино-арақ заводи ойлаб тўхтаб қолмайдими?.. Бу тўхташнинг ўрнини сездирмай қўлбола арақни конвейер усулда чиқараётган шоввозлар тегирмони айланаверади.

Ўша куни назоратга олинган спиртли ичимликларнинг шишаларидаги ёзувлар антиқа: бирига Москва шаҳрида босилган этикетка. Қопқоғи — Тошкентники. «Олча шарбати» деб ёзилган ёрлиқ ёпиштирилган шишада — вино. Ҳатто, нимасини айтасиз, «Растворитель» деб ёрлиқ ёпиштирилган шишаларда ҳам вино сотиляпти. Ҳа, ҳа сотиляпти! Ичидаги заҳарми, зуққумми, гўё фарқи йўқдай. Тижоратгўй сотаверади. Харидор сотиб олаверади. Ичкиликни хуш кўрган одам бунчалик ҳам ишонувчан, бунчалик ҳам иродаси суст бўлмаса.

Сурхондарёда, жумладан Термизда ҳам пахта мойи бозори чаққон денг. Пештоқига 604-қарордаги маҳсулотлар рўйхатини байроқ қилиб илиб қўйган давлат дўконларидан ҳамиша ҳам (ва кўп ҳолларда) пахта мойини топа олмайсиз. (Қизириқдаги савдо ҳиссадорлик жамияти, масалан, Денов ёғ заводидан неки сабабларга кўра бир йилчами мой ололмади). Бозорларда бўлса ўзини «тадбиркорман», «кичик корхонаман» деганлар узлуксиз мой сотишади. Ҳар килосининг нархи 90, 100, 120 сўмгача. Нега бунча қиммат, давлат нархидан уч баравар ошириб юборибсиз-ку, десангиз, тадбиркор мойфурушлар қошини чимиришади. «Ҳов, ана, сассиқ арақнинг яримтасини юз элликдан олишяпти-ку... олаяпсиз-ку». Шунга қарата таққосланг, бизники арзон. Жон денг ҳалиям», дейишади.

Ана шундай мойфурушлардан бири — Термиз шаҳрининг Ат-Термизий кўчаси, 14-уйда яшовчи Рўзиев Сайдулло «Юбилей» бозорида ҳеч қандай ҳужжатсиз бир тоннага яқин пахта мойи сотаётганида солиқчиларнинг назарига тушиб қолди. Мойни Рўзиев ва умуман Рўзиевга ўхшаганлар кимдан олишяпти? Ниманинг эвазига олишяпти? Яна олишаверадими? Бу саволларнинг тагига етишда, табиийки, яна шижоатни солиқчилардан кутамиз!

— Назорат қаердаки бўшашса, ўша ернинг бозори томошахонага айланиб қоляпти, — дейди вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Б. Жўраев. — Шунинг учун ҳам тизимимизда бўш ҳалқа бўлмаслигига эътиборни кучайтиряпмиз.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислоҳот ва масъулият

МУЛК ВА ЭГА

«Андижон-Электроаппарат» ҳиссадорлик жамияти қолоқлик гирдобидан чиқиб, илгарилай бошлади

Ҳасанбой Аҳмедов корхонага директор бўлган 1996 йилнинг май ойида жамоанинг иқтисодий аҳволи танг эди. Ҳамкорликда ишловчи шартномачи шерикларидан бўлган қарз 18 миллион сўмга етган, бунга солиқ тўлови қўшилса рақамнинг салмоғи янада ошарди. Бундай ҳолат ишчи-мутахассисларнинг меҳнатга бўлган муносабатини сўндирганди.

Янги раҳбар бозор иқтисодиёти шароитида қўл қовуштириб туриш эмас, боқимандалик балосидан қутилиб, ғайрат-ла ишлаш кераклигини уқтирди. Биринчи кунларданоқ меҳнат интизомини изга солди. Жамоада янги муҳит яратиб, барчанинг кўнглида умид уйғотди.

— Корхонани оёққа турғазадиган ўзимиз, — деди Ҳасанбой Аҳмедов ишчи-мутахассислар билан юзма-юз келиб. — Қараб турганга қор беришмайди. Жамоа манфаатини, давр талабини ҳар доим ўйлашимиз керак.

Мулк шаклининг ўзгариши, корхонанинг ҳиссадорлик жамиятига айланиши дастлабки дадил қадамлардан бўлди. Раҳбарнинг қўйиб-ёниб ишлаётганини кўриб жамоа ҳам унга эргашди. Буюртмачининг келишини кутмай, мутахассислар қатор шаҳарларда хизмат сафарида бўлдилар. Ҳамкорликда ишловчи шартномачилар топдилар. Мамлакатимиз Энергетика вазирлигининг йирик объектларига буюртмалар қабул қилинди. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасига беш турдаги маҳсулот етказиб бериш бошланди. Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам ҳиссадорларга ҳамкорлар тез топилди. Санкт-Петербург шаҳридаги корхонага, «Брянскэнерго» га андижонлик электроаппаратчилар тайёрлаган электробошқариш жиҳозлари маъқул тушди. Жамоа омбор учун эмас, аниқ харидор учун ишлашга ўтди.

Ҳиссадорларнинг ҳамкорлари бугунги пайтда хорижда ҳам бор. Изланиб ишлаш, маҳсулотларнинг сифатли, кўркам, пишиқ-пухта тайёрланиши бунга йўл очди. Қозонхоналарни ҳимоялаш электроавтоматлари Ҳиндистонга жўнатишга ҳозирлаб қўйилди.

Корхонадаги бўш турган жойлардан самарали фойдаланиш эвазига турли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди. Хомсурпни оҳорлаб бўяш, калиш қўйиш дастгоҳлари ўрнатилди. Йигирма ишчи ўрни яратилди. Ҳар куни 5—6 минг погон метр газлама пардозланяпти. Янги йилда икки минг жуфт болаларбоп калиш савдо дўконларига чиқарилди.

Жамоада ишлаб чиқариш жабҳасини такомиллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янгилик яратиш кун тартибидаги вазифага айланди. Наф келтирувчи янгилик ижодкори учун пул мукофотлари ажратилди. Бу барчани ибратли ишлашга чоғлантирди.

Кўпчиликнинг ҳаракати ўз натижасини яққол кўрсатди. Ҳар ойда 12 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилди. Бу натижани якунланган йилнинг биринчи ярмида ойига аранг 2,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланганига таққосланса кейинги пайтдаги ўсиш янада аниқ кўринади.

Ишдаги илгарилашлар туфайли ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошлари тўланиши изга тушди. Уларга қулай шарт-шароитлар яратилди.

Кейинги вақтда саккизта компьютер ўрнатилди. Бухгалтерия ҳисоб-китоблари, шартномалар компьютерлар ёрдамида бажариляпти. Бу вақтни тежаш билан бир қаторда мутахассислар малакасини ошириш омили бўлмоқда.

Замонавий компьютерларнинг ўрнатилиши ҳисобига мутахассисларни ўқитиш ва сервис хизмати кўрсатиш маркази ташкил бўлди. Бу ҳам жамоа хазинасига барака қўшади.

Ҳозирги пайтда хорижлик ҳамкорлар билан алоқа боғлаш ҳаракати бормоқда. Электроаппаратчилар Эрондаги «Замон электрик» компанияси, Руминиянинг «Электрмагнитка» ҳиссадорлик жамияти билан шартномалар тузиш учун ҳужжатлар тайёрламоқдалар. Ҳиссадорларнинг режасини «Ўзэлектртехпром» давлат уюшмаси, «Ўзэлектраппарат» ҳиссадорлик жамияти қўллаб-қувватлаётгани ҳам бу ҳаракатларнинг ривожига олиб келади.

Корхона ишлаб чиқаришидаги ижобий ўзгаришлар ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш учун янги имкониятларни юзага чиқармоқда. Тиббий хизмат кўрсатиш бўлинмаси жамоа хизматида. Барча биноларнинг таъмирланиши ҳам кўпчиликнинг кайфиятини кўтарди.

— Келгусида ишчи-хизматчилар бозор-ўчарни ҳам корхонамиз қошидаги дўконларда бажарадиган бўладилар, — дейди Ҳасанбой Аҳмедов. — Корхонамиз қаторида ёшлар боғи барпо этиш ҳақидаги истагимизни Андижон шаҳар ҳокимлиги эътиборга олганидан ҳурсанд бўлдик. Агар Андижон шаҳридаги машинасозлик, электр-жиҳозлар тайёрловчи тизимга кирувчи корхоналар билан яқин ҳамкорлик асосида биргаликда иш юритсак ютуқларимиз янада кўпаярди.

Раҳбар ишбилармон бўлса, кўпчилик манфаати учун тер тўкса жамоада обрў-эътибор топади. Ҳасанбой Аҳмедов ҳам қисқа фурсатда ҳурмат топди. Унинг фаолияти билан танишганимда, жамоа вакиллари билан суҳбатлашганимда илиқ фикрлар эшитдим.

У эл манфаати учун жонкуярлик билан ишлаши, бошқаларнинг кўнглида умид уйғотиб, фидойилик кўрсатишга руҳлантиряпти. Шундай инсонлар бор бўлсин!

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТЛАРДА: «Андижонэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамияти ҳаётидан лавҳалар.

Х. АРАББОЕВ олган суратлар.

PAU ATTENTION!

First hand information from Uzbekistan! You can get this information from internet. Just opened National computer network «Uzbekistan Online» on page «Uzbekistan today» (www. uz/infocentreOPRUz/index. html) Electronic mail: uzinfor@uzpak. uz Fax: (007-37120) 395325 Tel: (007-3712) 395404, 395234 The Office of the President of the Republic of Uzbekistan (infoCentreOTRUz).

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон тўғрисида «биринчи қўлдан» узатиладиган ахборотлар! Сиз уларни «Интернет»дан, яқиндагина тармоққа уланган «Uzbekistan On-Line»нинг «Узбекистан сегодня» саҳифаларидан олишингиз мумкин (www.uz/infocentreOPRUz/index.html0 Электрон почта: uzinfo@uzpak8uz Факс: (007-3712) 395325 Телефонлар: (007-3712) 395404, 395234. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот маркази.

• *Хатлар*
• *Хатлар*
• *Хатлар*

ҚИЗИЛТЕПАЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ ЁЙИЛСА...

Кечагидек ёдимда. Қишлоғимиздан оқиб ўтадиган ариқнинг суви камайганда зоғора балиқларнинг потирлаб қолишини кўриб завқланардик. Челак-челак лаққа балиқларни тутардик. Ҳатто, заҳкаш зовурлардан қишин-ёзин балиқ овлаш мумкин эди.

Йиллар ўтган сайин экологик вазият мураккаблашмоқда. Дарёларга куни билан қармоқ ташлаб, балиқ тутиш амри маҳол. Инсон саломатлиги учун жуда зарур бу парҳез гўштни топиш қийин. Бори эса қиммат.

Хўш, нима қилиш керак?

Шифобахш неъматдан бебаҳра қолмасликнинг қулай йўли қишлоқлардаги ҳовлиларда ҳовуз ташкил қилишдир. Бунга кўп харажат ва меҳнат сарфланмайди. Атиги бир сотих жойда ҳовуз қазилса, оилани йил бўйи бемалол балиқ гўшти билан таъминлайди.

Ҳовуз атрофига гужум, тол, мажнунтол каби дарахтлар ўтқазиш экологик вазиятни соғломлаштиради. Ёз жазирамаларида бу ерда дам олишнинг соғлиққа фойдаси катта. Бу соҳада Қизилтепа туманидаги «Бухоро» жамоа хўжалигида амалга оширилган ишлар мақтовга лойиқ. Хўжалик ҳудудида ўттиздан ортиқ ҳовуз бор. Шулардан 15 таси дала шийпонлари ёнида, қолганлари хонадонларда жойлашган. Пўлат Қобилов, Нурулла Сайфиев, Қодир бобо Шарипов, Саъдулла Пўлатовлар хонадонида ҳовуз мавжуд. Уларда кўп йиллардан буён балиқ етиштириляпти.

Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, ҳовузларни тоза-озода сақлаш, сувини алмаштириб туриш шарт. Ёш болаларни инобатга олиб, хавфсизлик чораларини ҳам кўриш керак.

Баҳодир ЭГАМОВ,
журналист, Навоий вилояти.

ОМОНАТИМГА ИНДЕКСАЦИЯ ОЛАМАНМИ?

1986-87 йиллари ва 1992 йилнинг январига қадар Халқ банкининг Бешкент бўлимида жами 14 минг 434 сўм жамғармам бор эди. 1992 йилнинг октябрида умумий қоидага асосан 14 минг сўмини юқорироқ фоизли бошқа ҳисоб дафтарига кўчиришни илтимос қилдим. Бу жараён пул олмасдан ва қўймасдан қоғоз орқали бажарилди. Менга янги дафтарча ёзиб берилди.

Халқ банки туман бўлими шу ҳисоб дафтаримга кўчирилган 14 минг сўмга индексация бермади. Бу ҳақда мен 1996 йил март ойида туман Халқ банки бўлими ва индексация комиссиясига, республика Халқ банкига ариза ёзиб ҳал қилишларини сўрадим. Аммо, ижобий жавоб ололмадим.

Газеталарингизда шу йил 28 январда «Айбдор ким» мақоласи эълон қилинди. Мақола муаллифидек мен ҳам айбдорни қидираётганлардан. Ҳалиям бўлса, индексация пулини оламан, деган умиддаман.

Абдулла УЗОҚОВ,
меҳнат фахрийси.
Қашқадарё вилояти, Бешкент шаҳри.

БОШЛИҚ ХОНАСИДА ЎТИРОЛМАСА...

Яхшиям, қуёшли Ўзбекистонимизда қиш қаҳри унчалар қаттиқ эмас. Шундай бўлса-да, Сергели туманининг Қўйлиқ 5-6 даҳаларида яшовчилар қишда кўп азият чекади. Илгари 4-уй-жойдан фойдаланиш ижара корхонаси раҳбари Олимжон Содиқов бўлганида иш ҳар қалай бир нави эди. Кейинги икки йилда раҳбарлар бу ерда учинчи бор алмаштирилиши, Олимжондан сўнг, Тўрахон Хидиралиевга мурожаат этган кишиларнинг умиди ҳавога учди, холос. Ниҳоят, у ишдан кетгач, кейинги раҳбар Екатерина Егорова ҳам қойил қилаётгани йўқ. Унга неча бор юзма-юз келсак, «қиламиз, бажарамиз»дан нарига ўтмайди.

Бу ердаги китобда ҳар куни ўнлаб шикоятлар қайд қилинади. Аммо, уларнинг натижаси ҳали бери ўз ижобатини топганича йўқ. Бошлиқнинг ўзи иш жойида ўтирмасдан, бошқа бир хонада совуқ қотиб ўтирганлигини ҳисобга олсак, ундан натижа чиқишини кутишга ҳам ҳожат бўлмаса керак.

Қайси бир уйда яшовчи билан гаплашманг, батарея қизимаётгани, ертўлани сув босаётгани ҳақида куйиб-пишади. Ҳатто, баъзи уйлардаги ташқи чиқиш эшиклари йўқ. Ички кўчалар қувурларнинг кетма-кет бузилиб тузатилишидан ўнқир-чўнқир, тунги чироқлар ёнмаслиги ҳам қийинчиликлар туғдирмоқда. Биз эса, дардимизни кимга айтишга ҳайронмиз...

Ўктам ИНОҒОМОВА,
2-гуруҳ ногирони.
Виктор МОДИН,
нафақадор,
Баҳром ЖАЛИЛОВ.

РАИС БЕФАРҚ БЎЛГАЧ...

Ҳазорасп туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ўтган йилда қишлоқ хўжалиги экинларидан хирмон кўтаришда аросатда қолди. Бу ҳол, айниқса, буғдой етиштиришда яққол сезилди.

Ўтган ишга саловат. Энди бўлғуси ҳосил тақдирини, хирмон заминини қишдаёқ ўйлаш керак. Аммо, бунинг акси бўлмоқда. Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари буғдойзорларнинг пайҳон қилиниши олдини олиш билан боғлиқ ишларнинг аҳволини ўрганиш учун туманда рейд ўтказишганда айнан шу хўжаликда буғдойзорлар қаровсиз ҳолда эканлигининг устидан чиқишди. Хўжаликнинг 10-бригадасида тўртта хўкиз буғдойзорни пайҳон қилиб, бемалол ўтлаб юрибди. Бу ҳол бригада бошлиғи А. Қутлимуровни ҳам, моллар эгаси Б. Худойбергановни ҳам ташвишга солмаган. Энг аянчлиси, хўжалик бошқаруви раиси Солай Абдуллаевнинг сўзлари бўлди: «Далама-дала ҳар бир мол ортидан югуриб юриш менинг вазифам эмас...»

Қарор ва ижро

Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорида чорва моллари томонидан экинзорлар, айниқса, буғдойзорларнинг пайҳон қилиниши факти содир қилинганда хўжалик раҳбарларига нисбатан кескин чора кўрилиши кўрсатиб ўтилгани бежиз эмас. Негаки, ҳар бир хўжалик раҳбари ўзи бош бўлган жамоа ҳудудида содир бўлаётган кўнгилсизлик учун масъул. Хўжаликнинг мавжуд буғдой майдонларини чорва моллари пайҳон қилмасликлари учун олдиндан зарур чора-тадбирларни кўриш, далаларга масъул кишиларни бириктириш ва кўрикчилар тайинлаш ҳам бевосита хўжалик раҳбарининг вазифаларидан бири саналади. Негаки, далаларга биркитилган кўрикчиларга маош ҳам айнан шу хўжалик ҳисобидан ёзилади. Бу дегани — халқнинг ризқ-рўзи бўлмиш донни авайлаб сақлаш, дон мустақиллигига эришишда ҳамма бир жон, бир тан бўлиб фаолият кўрсатиши шартлиги.

Ички ишлар ходимларимиз ана шундай кўнгилсиз ҳодисаларга вилоятнинг бошқа туманларида ҳам дуч келишди. Қўшкўпир туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги далаларида ҳам молларни бўшлов ҳолда боқиш одатга айланган. Хўжалик аъзолари Ш. Латипов ва А. Ниёзматовлар уч бош қорамолини буғдойзорда бемалол боқиб юришибди. Г. Абдукаримов эса буғдойзорларни ўн бош қўйи учун кенг яйловга айлантириб олган.

Бугунги буғдой майсаси — эртанги ризқимиз. Буни ҳеч ким унутмаслиги керак. Акс ҳолда бефарқ раҳбар — Солай Абдуллаевнинг ҳолига тушиб қолиши мумкин.

Муҳиддин ҲАВРЎЗАЛИЕВ,
Хоразм вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи бошлиғи.

— Экинзорга мол тушибди-ку, қарамайсизми?
— Мен бошқа далага қоровулман.

А. ҲАКИМОВ чизган расм.

Соғлом авлод учун

МИНГ БОЛАНИНГ ДОЯСИ... ЙЎҚ, ОНАСИ!

Бир ривоятда тўлғоқ азобида жон-жаҳони қийналаётган онага ҳаёт чечаги бўлган гўдакни меҳрибон фаришта — Доя келтириши айтилган экан. Минг йиллик ҳақиқат шуки, қадимдан доя оналик ҳаққи бор. Болага кўкрак тутган онанинг фарзандларини «кўкалдош» — оға-ини дейишган. Вақт асрлар қаъридан асрлар бағрига гувлаб оқаётган давримизда нажоткор саналаётган шифокорлар бошқа номлар билан аталсалар-да, улар учун ҳам Меҳр ва Оқибат абадий тимсоллардир...

Тун тонгни туғди. Борлиқ энди оқараётганда, жарроҳлик хонасидан чиқиб келган Маҳбуба опа ўзини ҳорғин сезар, уйида болалари кутаётган бўлса-да, бир нафас курсига ўтириб, хаёлларига эрк берди. «Саккизинчи фарзанд... ўғил экан», деб кўйди ўзича. Шу топда биттагина фарзанд кўриш учун ўзини қурбон қилган аёлни эслади. Уша онанинг жасорати умрининг мазмуни эди. Афсус, дарахтнинг битта япроғи сингари ўша аёлнинг ҳаёт томири ўзилганди. Аммо дарахт қуримади — насли давом этаяпти...

Маҳбуба Камоловна фикрини бўлган, қаршисида илтижо қилаётган йигитнинг мақсадини тезда англолмади. Тушунгач, зудлик билан фарзанд кутаётган аёл ҳузурига ошикди. Ниҳоят, бола туғилди. Киндиги бўйнига ўралиб, бола кўкариб кетган экан. Ана шу бир неча дақиқа — ҳаёт ва ўлимнинг ўртаси эди. Бундай дақиқалар озмунча бўлганми дейсиз?..

— Битта фарзандимга Маҳбуба опам доя бўлганлар, — дейди туғуруқхона ишчиси Сайёра Неъматова. — Ўзимдан кетиб қолган эканман. Опа бўлмаганларида билмадим, нима бўларди?

— Шифокорнинг тажрибаси нажот дегани, — унинг фикрини қувватлайди ҳамшира Розия Маннонова. — Йигирма бир йил ишлаб, кўп бора оғир ҳодисаларга гувоҳ бўлдим. Бизда яхши шифокорлар кўп, аммо Маҳбуба опа бошқача. Дадил, жонсарак, аллақандай ҳислати борми-ей...

— Онам шифохонада оддий хизматчи, отам пахта корхонасида ишчи бўлганлар, — дейди Маҳбуба опа хотираларга берилиб. — Отам оғир юк кўтариб, майиб бўлиб қолганларида, Абдулла Ҳамроқулов даволаган эди... Мени қўяверинг, сизга шу киши ҳақида бир оғиз гапириб берай. Абдулла ака институтни битириб, йўлланма билан Тошкентдан Китобга келган. Бу кишининг дўстлари пойтахтдаги замонавий шифохоналарда ишлаб, илмий унвонлар олишганда, улкан истеъдод соҳиби Абдулла ака шароити ўзига яраша туман марказий шифохонасида жарроҳ бўлиб ишлади. Камсуқум, моҳир шифокор шуҳратга ҳам, ҳасадга ҳам эътибор бермасдилар. Минглаб оғир беморларнинг ҳаётини сақлаб қолган бу инсон шундай мактаб яратиб кетдики, тумандаги ҳар бир шифокор ундан таълим олиши лозим. Умрини инсоннинг беморлик азобларидан халос этишга бағишлаган бу машҳур шифокор изидан борган Маҳбуба Жамолова ҳам истеъдодли шогирд эканлигини исбот қилди. Йигирма олти йиллик фаолиятида фақат бир марта қаттиқ изтироб чекди. Ушанда туғуруқхонада тунги навбатчилик даврида олдиндан яхши ёрдам кўрсатилмаган аёлнинг аҳволи оғирлашди. Асли кам қон, заиф бу аёл туғиши мумкин эмас, кейин анча қон йўқотган, қуйилган қон кор қилмади. Туни билан оёқда туриб, аёлнинг ҳаётини сақлаб қолишга уринганлар, чеккан изтироблари бир сари, айрим ҳамкасбларининг масъулиятни унга ағдаришга уринишгани кўнглини вайрон қилди. Аммо ҳақ қарор топди: юқори малакали тиббий экспертиза Маҳбуба Камоловна беморга барча ёрдамни кўрсатганини тасдиқлаб, асл айбдорларни аниқлаб берди. Бу оғир воқеа асаблар синови бўлиб қолди. Ушанда унинг тим қора сочларига илк бор қировдек оқ тушган эди...

— Яратганга шукрки, фуқаролар саломатлиги учун чинакам қайғурадиган мустақил юртимизда соғлом авлод камоли ҳар нарсадан азиз, — дейди опа. — Илгари туғилишни чеклаш, заиф оналарни сақлаб қолиш қўл учида қилинарди. Кейинги иккиуч йил орасида бирорта оғир ҳодиса юз бермаганлиги, асосан соғлом гўдаклар дунёга келаётганлиги — эътибор кучайганлигидан. Она-табиатнинг бир мўъжизаси. Аммо аёл саломатлиги, оилавий имконияти, фарзандлар камолини ўйлаши лозим. Маърифатли, фарзанд кўришга қалб истаги, ақл кўзи билан қарайдиган онагина насл, миллат, халқ соғлом бўлишини таъминлайдиган зот эканлигини унутмаслик зарур. Бугун туғуруқхонамизда шароит анча яхшиланган. Аҳиллик қарор топган. Демак, шифохонамиздан гўдак овози — ҳаёт, севинч саси эшитилаверади...

Қобилиятли акушер-гинеколог Китоб туман марказий туғуруқхонаси бўлим мудираси Маҳбуба Камоловна яқинда ўзича ҳисоб қилса, тахминан мингдан ошиқ гўдакнинг дунёга келиши учун илмини, қалб меҳрини беribди, доялик қилибди. Албатта, уларда ҳам унинг оналик ҳаққи бор. Ўн йиллик тирноққа зор бир аёл яқинда: «Шукр, ниятимга етдим. Орзиқиб кутган қизчамга сизнинг исмингизни қўйдим», дея хат йўллабди. Шифокор ва она учун бундан ортиқ мукофот йўқ дунёда.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: Маҳбуба ЖАМОЛОВА.

Турмуш сўқмоқларида

ҲАЁТ ЖОМИГА ҚУЙИЛГАН ЗАҲАР

Бозор пештахталаридаги хилма-хил матолару, кийим-бошларни бир-бир кўздан кечираётиб, беихтиёр таниш овоз қулоғимга чалинди:

— Манавини ўглингизга кийгазиб кўринг, лоппалойиқ келади. Буёғи қиш, иссиққина кийиб юради, — деб ота-бола харидорга молини мақтарди у. Аёлга қараб тикилиб қолдим. Буни у ҳам сезди-ю, «Во, сизмисиз, ўртоқжон», дея менга юзланди. Ҳаяжонимни яширолмай, довдирадим. «Дилором сизмисиз?» У ёнидаги шеригига «молларимга қараб тур» дея ёнимга келди. Анча суҳбатлашдик. Кўришмаганимизга ҳам ун беш йиллар бўлган.Озиб, юзларига ажин тушиб кетибди. Ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг, оиласи ҳақида гапирди:

— Қуриб кетсин, Алижон акам икки болали бўлганимизда бир аёлга илакишиб қолди. Шу-шу уйимга кетиб қолганман. Ишни ташладим. Ҳозир бозордаман. Қизим, ўглим ҳам бош вақтларида қарашиб туришади. Эримдан бир тийин алимент олмайман, ўзидан тугул пулидан ҳам ҳазар қиламан...

Дугонамнинг кўп вақтини олмайин, деб яна келишимни айтиб хайрлашдим. Йўлда кетаётибману эндигина биринчи курсда ўқиб бошлаган даврлар ёдимга тушди. Дилором жуда шаддод қиз эди. Дарслан олдин қизлар йиғилишиб биримиз лабимизни, биримиз кўзимизни бўяб ўтирардик, у эса бир четда бизни томоша қиларди. Чунки қалин, қоп-қора сочларини силлиқ қилиб ўриб қўйиши ҳам ўзига ярашар, қалин, қуюқ қошлари, киприклари қайрилган, ёноқлари худди буялгандек пушти ранг. Унинг барча пардози табиий. Лекин бирор китоб, кино, ёхуд театр ҳақида баҳслашиб қолсак, албатта ўз фикрини тасдиқларди. Эсимда, телевизор орқали Уткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» телепостановкаси қўйилганди. Эртасига курсимизда қизғин баҳс бўлди. Кимдир Алимардонни оқласа, кимдир Муқаддамни. Қизғин суҳбатда Дилором ўз сўзини маъқуллади. «Алимардонни кечириш керак эди. Мана менинг тоғам ҳам хотинини ташлаб бошқа аёл билан бир неча йил яшади. Сўнг аввалги оиласига қайтди. Ҳозир келинойим билан «бир чиройли» яшашяпти...»

— Уни кечириш Муқаддамга осон эмас, бунинг учун катта юрак керак, — дедим.

— Мен кечирардим!

Шу сўз билан баҳсга нуқта қўйилгандек бўлди.

Кейинчалик ҳаётда бунга ўхшаш воқеаларни кўп учратдим. Шундай пайтларда ўша дугонамнинг мен танимаган келинойиси кўз ўнгимда гавдаланаверарди... Ким-киму, Дилоромнинг шундай аҳволда кўраман деб сира ўйламаган эканманми, анчагача ўзимга келолмадим.

Мен кўрмаган, танимаган ўша «келинойиси»нинг дардлари унга ҳам азоб бергани, гўдагининг «отам қани?» деган сўровлари, ёрдустларнинг «эрингиз кетиб қолдими?» деб қилган таъналари дугонамнинг қалбига наштар бўлиб тегмаяптимикан? Нафақат ўзидан, топган пулидан ҳам ҳазар қилаётганда ўша «келинойиси» «бир чиройли» эмас «бир нави» яшаётганини ҳис қилолганмикан?

Ҳиёнат ҳаёт жомига қуйилган заҳар. Заҳарланган ҳаётда яшаш оғир, жуда оғир...

Мая ОБИДОВА.

ЖАННАТИ АЁЛЛАР

Ҳаётини иймон ва яхши амаллар билан безаган одамлар ҳақида ўйлаганимда раҳматли онам кўз олдимга келаверади. Наинки, биз фарзандлар яхшилик куртакларини кўз очиб курган дунёимиз —оила аталмиш мўътабар даргоҳда туйганмиз. Шу даргоҳ фозилалари булмиш онаизорларимиз ақлу фаросати кўзимизга тутиё булиб куринган. Ва бу ажиб туйгулар яхшилик рамзи булиб қалбларимизга мудом урнашиб қолган...

Иккинчи жаҳон уруши йиллари. Ҳамма оналар қатори онам ҳам беҳаловат... На кечаси ва на кундузи дегандек тиним йўқ, орому йўқ. Ярим кечаси гузарга чиқиб керосин учун навбатга туриб келадиларми-ей, ҳали нонга навбатим ўтиб кетмадимикан, дея тонг саҳарлаб магазинга ошиқадиларми-ей...

Бир куни онам икки буханка нон олиб келиб дастурхонга қўйдилар-да, чўнтакларини титкилаб бировнинг тушиб қолган «Заборная карточка»сини олиб дадамга кўрсатдилар.

— Навбатда турганларнинг оёқлари остидан топиб олдим... жўжабирдай жон куринишади, энди нима қилдиг-а.

— Эгасини сураб-суриштирмабсиз-да — дейдилар дадам ачиниб.

— Суриштирадиган булсам, бу меники эди дейишдан ҳам тоймайдиган ноинсофлар бор, кейинини ўйладим...

Онам бир тишлам нонни оғизларига солдиларми йўқми, бир ҳўплам чой ичдиларми йўқми, яна гузарга ошиқдилар. Болалигим ўтган уша гузарлар — Тахтапул даҳаси, уни кесиб утган анҳор бўйлаб эса нон дукони, керосин сотадиган бостирма ва қатор кетган расталар олдидан кечасию кундузи одам аримасди.

Уша куни онам гузарга бир неча бор чиқиб келдилар. Ахийри: «Заборная»...ни эгаси топилгудек булса бизникига жунатинг, деб магазинчига уй адресимизни қолдириб келганларини айтдилар. Бундан дадам икковлари бироз хотиржам булишди.

Эртаси ҳам, индини ҳам кутаётган одамимиздан дарак булмади. Ниҳоят, учинчи куни кечки пайт кимдир эшигимиздан мўралаб, «Марҳамат опанинг уйлари шуми?» деб суради. Онам шошиб қолдилар: киринг, кираверинг деганча унга пешвоз чиқдилар. Аёл ичкари кирди. Эгни боши юпун, қўлида бола, этагида бола...

— Уша манман, заборнийини йўқотган манман, опа, — дерди у ҳаяжон билан гўё биров уни тан олмайдигандек. — Бир уй жон уч кундан буён туз тоттанимиз йўқ. Эрим урушда... Қайнона, қайнотам менинг қарамоғимда. Улар кексайиб қолишган. Дуппи тепчийман, дуппи тикаман. Уни ҳам энди ҳеч ким сурамай қўйган.

Онам ичкари уйдан унинг нон ҳужжатларини олиб чиқиб бердилар. Ё алҳазар, аёл нақ жавоҳир топиб олгану уни биров олиб қўядигандай онамнинг қўлларига ташланди. Эшикка етгунича «Илоҳим, нондай муътабар булинг, нондай азизу мукаррама булинг, опажон», деган сўзларни такрорлади. Болалик чоғларимда қалбимга муҳрланиб қолган бу кунларни унутиб бўлармиди?! Энди уйласам, ҳар бир одамга икки юз граммдан нон тақсимоти булган, одамлар очликдан кунжара, ут-илдизлар истеъмол қилиб, йўлларда, бекатларда, бозор-ўчарда улиб қолаётган оғир замонда катта ойланинг бир ойлик ризқи-рузини қайтариб бериш катта ҳиммат эди...

Онам кичкинагина ойламизни сақлаб қолиш учун ўзини аямаган, қўлидан келган, келмаган ишга уринган. Бозордан озгин қуй сотиб олиб келиб, бир-икки ой боқиб, бироз жир биттач сўйиб сотардилар. Рузғорга думба ёғи булмаса ҳам чарвисидан қоларди. Гўшти сотилса ҳам ичак-чавоғи, калла-почасини пишириб ердик. Ёнимизда бир эмас, икки тегирмон ишлаб турарди. Онам кечаси билан тегирмонда ун элаб, ун қоплаб чиқарди. Эрталаб уйга кириб келарди, қош-киприклари, сочлари гарддан оқариб, уст-бошларидан ун иси келиб турарди. Қуни-қушнилар, таниш-билишлар онамиздан ун, гўшт харид қилишарди. Онамнинг нақд пулга нарса соғганларини эслай олмайман. Бунинг учун отамдан кўп койиш эшитарди.

Дастурхонга димланган лавлагими, қора шурвами, Худо ярлақаган куни паловми келтириб қўйишаркан, «ана Оллоҳ тилакларингизни инобатга олиб, сизларга шу таомни юборибди» деб қўйишарди оналаримиз.

Биз еб-ичиб, эртак айтишиб ухлаб қолардик. Баъзан уйгониб кетардим. Кўзим танча атрофида мунгайиб утирган онам ва Рихси холамга тушардим. Назаримда онам нимадир еяётганга ухшардилар. Буни кўриб қорним таталаб кетарди. Бошимни кутариб, «нима евоссила?» дейман. Овозимга укаларим ҳам уйгониб кетишади. Чекка-чеккадан «нима евосилла?» деб бошларини кутаришади.

— Вой боласи тушмагурларей, кечаси ҳам сизлардан тинчлик йўқ экан-да, — дердилар жилмайиб онам.

Беш йиллик уруш дамларида ана шундай оғир кун кечирдик. Таниш-билишларимиз, қариндош-уруғларимиз, қуни-қушнилар билан бирга бир бурда нонни булишиб еган, бир коса ёвғон шурвани баҳам курган онларимиз уша кунларнинг энг ёруғ лаҳзалари бўлган. Буларнинг ҳаммаси меҳрибон онамиз туфайли эди. Шуниси борки, ҳар қанча ош-нон, уст-бош ўзимиздан ортмасди. Лекин онамнинг одамларга булган меҳр қуёши ҳар қанча мол-дунёдан ҳам иссиқроқ эди.

Ўзбек феъли

Урушдан кейинги оғир тикланиш йилларида онам Тошкент қишлоқ районидаги Эркин қишлоғида жойлашган 3-болалар уйида бош тарбиячи булиб ишлаган эди. Болалар уйига девор-дармиён қўшни ҳовлида ижарада яшардик. Бир куни онам синглим икковимизни вақтинчалик деб болалар уйига кўчириб қўйди. Ижара уйимизга эса етим болалардан ун чоғлигини жойлаштирди. Уша куниёқ уста чақириб, болаларнинг «қўллари ҳалолланди». Улар крим-татар, украин, қозоқ, қирғиз, рус миллатига мансуб болалар эди. Жароҳатлари битгач, уларни онам яна болалар уйига кўчириб қўйдилар ва улар мактабга қатнай бошлашди.

Узоқ вақт дин-афюн, дин-жаҳолат, деган ақидалар билан яшаб келдик. Халқимизнинг азалий удум, анъаналарини ҳам динга боғладик. Хатна қилдириш жиноят қилган билан баробар ҳисобланди. Шунданми, онам узоқ вақтгача болалар уйига бирор нотаниш одам кириб келса, хавотирга тушиб қолардилар. Хайриятки, онамга гап тегмай, бу воқеа ўз-ўзидан тинчиб кетган. Инсон қалбан пок, диёнатли булса душманига ҳам ёмонликни раво кўрмайди. Ёмонликка яхшилик билан жавоб беради.

Мен кундошга меҳр-мурувват курсатиб, кўп яхшиликлар қилган бир аёлни билардим. У ён қўшнимиз эди. Қизи билан уртоқ эдим. Уни чақиргани кирган пайтимда отаси билан онасининг гиди-бидиси устидан чиқиб қолардим. Аёл эрини янги бушанган кундошидан хабар олиб келишга ундарди:

— Ахир у бу шаҳарда мусофир-ку, — дерди аёл куйиб-пишиб. — Чақалоғи билан ёлғиз ўтирибди. Еяр-ичаридан хабар олинг, рузғорини бутлаб беринг, бу ерда биздан бошқа кими ҳам бор?!.

Ё тавба, ё алҳазар!!! Оиласига қанча кўз ёшлар, нотинчликлар келтирган кундошидан эрини хабар олишга, унга ёрдам беришга ундаянти-я. Баъзан узи отланиб қоларди. Қора рангли сумкаси булардн. Унга икки дона кир совун, бир кесим гўшт ва бир ҳовуч мақарон солиб, қизига кутартириб оларди. Мен уларни катта йўлгача кузатиб чиқардим.

Улар шаҳардан кечки пайт қайтиб келишарди. Дугонам у ёқда кўрган-билганларини оқизмайтомизмай менга гапириб берарди:

—... Кичик ойим бизни йиглаб кутиб олдилар, — дерди у гап бошлаб. — Ойим чақалоқни чўмилтирдилар. Кейин бешикка белаб, устидан сочқи сочдилар. Қушни болалар билан тешиккулчаларни териб олдик. Укам менга ухшайди... Янаги ҳафтага яна борармишмиз.

Мухбирлик фаолиятимда онамга, менга ҳаёт мактаби булган қуни-қушниларим, таниш-бирадарларимга ухшаган покиза одамларни қумсаб, уларни излаб яшадим. Уларга дуч келганимда яйраб кетардим. Улар ҳақида қувониб-қувониб ёздим.

Дилбар МАҲМУДОВА.

Ун саккиз минг олам

УНСИЗ ЁВ

Ун саккиз минг оламни Яратган шундай ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини юзага келтирдики, уларнинг ҳар бирини яқиндан билиш учун умр ҳам етмас. Одамлар ўртасида ўз ишини индамай қиладиган, қутилмаганда «чақадиганлар»ни «ҳа, илон», деб қўйишади. Аслида, илонлар шунчалик кўп ва хилма-хилки, ер юзида қарийб 3000 та тури борлиги аниқланган. Зеро, бундай судралувчи жонивор ларнинг аксарияти жуда ҳам катта бўлмайди. Кўпгина мамлакатларда учраб турувчи улкан аждарҳо сифат илонлар сони эса тобора камайиб бормоқда. Таиландда камёб саналган баъзи илонларни фермаларда кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Йирик илонларга асосан уларнинг бўғма турлари кириб, улар қарийб 80 хил бўлади. Аммо бундай илонларни баъзиларининг узунлиги 1 метрдан ошмайди. Чунончи, Қозоғистон чўллари ва Марказий Осиё қумликларида ана шундай калта бўғма илонлар бор. Йирик бўғма илонлар кўпроқ Мексикадан тортиб, Аргентина ва Марказий Америка тропик чангалзорларида кўпроқ топилади. Бундай илонлар 4-5, ҳатто 10 метргача узунликка эга бўлади. Жанубий ҳамда Жанубий-Шарқий Осиё тарафларда учраб турадиган бўғма илонларни 30-40 йил яшаши кузатилган. Зотан, бугунги кунда уларнинг турлари тобора камайиб бормоқда.

Илонлар ҳужумкор бўлмай, айниқса, одамларга ҳужум қилмай, ёлғиз ўзига хос ўлжа излайдилар. Шуниси ҳам борки, энг тажрибали овчилар ҳам бир ўзлари илонлар билан муомала қилолмайдилар. Чунки, жонивор ga рўпара бўлиш хавфли. Айтайлик, узунлиги 5-6 метрли, оғирлиги 60-70 килограммли илоннинг жаги шунчалик маҳкамки, ҳамласидан қутулиш қийин. Тишлари эса ўткир бўлиб, ичкарига қараган бўлади. Танаси эса асосан мушакли ўлжасига ташланганда ўқдек ҳаракат қилади.

Ҳатто, йўлбарс рўпарасидан чиқса, уни бир зумда шундай ўраб ташлайдики, жониворнинг қовурғаси қирсиллаётгани эшитилади. Лекин йўлбарс зийраклик қилиб, илоннинг ортидан келиб қолса, устун чиқиши мумкин. Москва ҳайвонот боғида сақланаётган 7 метрли бўғма илоннинг 20-25 килограммли чўчқа боласини бир соатга етмай ютиб юборгани кузатилган. Аслида бўғма илонлар ўртача катталикдаги туёқли ҳайвонлар, бўридан катта бўлмаган ваҳшийлар, йирик кемирувчилар, маймун ва қушларни додини беришади.

Бўғма илонлар ўт-ўланлар орасида, йирик дарахтлар кавагида, соҳилларда, тошларнинг орасида жон сақлайдилар. Узоқ вақт қимирламай ётишлари мумкин. Қизиғи шундаки, дахшатли жониворни ўлдириш осон бўларкан. Ов милтиғи билан унинг бошини тўғри нишонга олинса бас, хавф бартараф бўлади. Аммо унинг тобора камайиб бориши экологик мувозанатни бузиши табиий. Одамлар эса ўз нафслари йўлида илонларга қирғин келтиришдан кечмаяпти-лар. Айниқса, улкан илонлар терисининг товланиши, гулдорлиги чарм-галантерея маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўл келаётгани, пул кетидан қувганлар «ғайратини» жўш урдирмоқда.

Маҳсит МАҲМУТОВ.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

КИМНИ АВФ ЭТАДИЛАР?

☑ **Уруш, хусусияти қандай бўлишидан қатъи назар, инсонлар тақдирини, ўлкалар тараққиётини кутилмаган томонга ўзгартириб юбориши билан хатоликдир. Бундай хато ортида инсонларнинг ҳаёти ётади... Россия Давлат думаси «Чеченистон Республикасидаги қуролли зиддиятлар билан боғлиқ ҳолда хавфли жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан амнистия эълон қилиш» тўғрисида қарор қабул қилди.**

Амнистия Чеченистонга Россия ҳарбий қўшинлари киритилган муддатдан у ердаги жанговар ҳаракатларга расман чек қўйилгунга қадар Чеченистон Республикаси, Ингушетия, Шимолий Осетия ва Россиянинг Ставрополь ўлкасида содир этилган жиноятларга тадбиқ қилинади. Биринчи галда ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишдан бош тортган ҳарбий хизматчилар авф этиладилар. Амнистия фақат ҳарбий ҳаракатлар жараёнида жиноят содир этган Россия фуқароларига нисбатан қўлланилади. Бундайлар эса Россия ҳарбий прокуратураси ва ички ишлар вазирлигининг маълумотига кўра, қарийб 800 кишини ташкил қилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳаммаси бўлиб, тўрт-беш минг киши амнистияга тушади. Алоҳида хавфли жиноят содир этганлар, терроризм актларида иштирок этганлар, илгари ўта хавфли рецидивист сифатида қамалиб чиққанларга нисбатан амнистия қўлланилмайди.

Парламент қабул қилган ҳужжатга кўра, ҳукумат ва Россия хавфсизлик Кенгашига амнистияга тушадиган шахсларнинг рўйхатини тузиш ҳамда унинг амалга оширилиши муддати ва тартибини Чеченистон билан келишиш топширилган.

ЯПОНИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР ХУЛОСАСИ

☑ **Россия Федерациясининг «Находка» танкери ҳалокатга учрагани ва унинг сабаблари хусусида аниқ бир тўхтамга келинмаганини яхши биласиз. Россия, «Находка» сув ости объектига урилиши натижасида ҳалокатга учраган, деган хулосада. Япония транспорт вазирлиги текширув комиссиясининг бу борадаги хулосалари россиялик мутахассислар тахминига зид. Япония мутахассислари «Находка» қудратли тўлқинларнинг «ҳужум»идан ҳалокатга учраган, деган хулосага келдилар.**

Уларнинг хулосалари фалокат туфайли Фукуи ҳудуди қирғоқларига келиб қолган улкан кеманинг олд қисмини текшириш натижаларига асосланади. Вазирликнинг маълумотномасида кўрсатилишича, кемага юқоридан кучли зарба урилган. Кема унсурларидаги юқоридан пастга тортилган ёриқлар унга ён томонлардан ҳеч қандай куч таъсир этмаганини исботлайди. Шундай экан, денгиз бўрони марказида қолган «Находка» кучли тўлқинларнинг зарбасига дош беролмаган, деган хулосага келишдан бошқа йўл қолмайди. Бу тахмин, Япония транспорт вазирлигининг маълумотномасида таъкидланишича, «Находка» экипажларидан бирининг кўрсатмаси билан ҳам тасдиқланади: «Навбатдаги кучли тўлқин урилгач, кема палубаси ёрилиб кетди. Қудратли тўлқинларнинг шундан кейинги «ҳужуми» кемани бўлиб-парчалаб юборди», — дейилади кўрсатмада.

НАТО ВА РОССИЯ

☑ **НАТО ҳудудларининг Шарққа томон силжиши давом этаверса, Россия ўз ҳарбий харажатларини оширадиганга ўхшайди. Шарққа томон тағин силжигач, НАТО ҳарбий инфраструктурани ривожлантириш учун 70 миллиард доллар сарфлайди. НАТО ўзининг оғир ҳарбий қуроллари, ҳатто ядро қалпоқчаларини Шарққа олиб киришни режалаштирмоқда.**

Ушбу ҳарбий альянснинг кенгайишини истамаётган Россия бунга жавобан қандай йўл тутади? Давлат думаси раисининг биринчи ўринбосари Александр Шохиннинг айтишича, бу ҳолда оддий қуролларнинг бир неча турини ишлаб чиқармай қўйган Россия уларни яна ишлаб чиқаришга мажбур бўлади.

Собиқ совет иттифоқидан Шарқий Европа мамлакатларида қолган 280 аэродром ҳарбий стратегик бомбардимончи самолётлар учун фойдаланилса, Шохиннинг таъкидлашича, Россия ўзининг ҳаво ракеталари ҳужумига қарши мудофаа кучларига эскича услубда ёндашади. Шу муносабат билан Россия Федерациясининг бюджетидан ҳарбий мақсадлар учун сарфланадиган маблағ миқдори кўпаяди.

Умуман олганда Россия НАТОга қатъий қарши эмас. Ҳарбий альянс таркибида маълум ислоҳотлар ўтказилса, Россия унга кириши мумкинлигини маълум қилмоқда.

Россия ўз чегараларига НАТОнинг тобора яқинлашишини нега истамаяпти? Россия Бош вазири Виктор Черномирдиннинг Вашингтон расмий доираларидаги учрашувлардан бирида айтишича, мамлакат аҳолиси орасида ҳарбий альянс Федерация чегараларига яқинлашса, Россиядаги иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб қолишга интилади, деган тушунча мавжуд.

ТИНЧЛИК ЎРНАТУВЧИ КУЧЛАР...

☑ **«Аргументы и факты» газетасининг ёзишича, Россия Федерацияси мудофаа вазирлигининг маълумотига кўра, Россия тинчлик ўрнатувчи кучларининг Абхазияда — 1,7 минг, Преднестровьеда 600 атрофида, Шимолий Осетияда — 600, собиқ Югославияда — 2,6 минг нафар десант, Тожикистонда эса 6,5 минг аскари мавжуд. Хизмат вазифасини бажараётган вақтда 1992 йилдан буён 70 дан ортиқ Россия тинчлик ўрнатувчи кучларининг солдат ва офицерлари ҳалок бўлган.**

Салим АШУРОВ.

ЯҚИН ШАРҚ: МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА

Яқин Шарқ низоси мана қарийб 50 йилдан буён давом этиб, ечимини тополмай келяпти. Икки халқ — фаластинликлар ва яҳудийлар ўртасида бир-бирига нисбатан душманлик, адоват, ишончсизлик ҳислари тугатилмаган. Минтақадаги давлатлар бир неча ўн йиллардан бери сақланиб келинаётган нотинч сиёсий-ижтимоий вазият ва баъзан содир бўлаётган катта, қонли урушлар туфайли (масалан 1967, 1973, 1982 йиллардаги араб-исроил урушлари) тараққиётини яхши йўлга қўйиб ололмаяпти. Ҳарбий тайёргарликларга ва қуроласлаҳага катта маблағлар сарфланмоқда. Яқин Шарқ мамлакатлари дунёда энг кўп қурол харид қиладиган тарафларга айланганлар.

Энг муҳими, қадимий маданиятга эга 5 миллионлик фаластин халқи ҳануз ўз ҳақ-ҳуқуқи бўлган Ватанига ва мустақил миллий давлатчилигига эриша олмади. Бундан ярим аср илгари чўғ олган уруш ўчоғи нима учун ҳали ҳам гоҳ аланга олиб, гоҳ тутаб ётибди? Бунинг сабаблари нимада? Бу борада айрим фикр-мулоҳазалар келтириш мавзуни янада ҳам аниқлаштиради. Биринчидан, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бошланиб кетган Ғарб ва Шарқнинг кескин сиёсий-ҳарбий қарамақаршилиги, муҳим ва ҳаётий деб тушунилган нуфуз доиралари учун яқин-яқингача давом этган «совуқ уруш» Яқин Шарқдаги мамлакатлар ва халқларни бўлиб ташлади, ўрталарига низо солди. Пировардида, 1948 йилги Фаластин-Исроил уруши ҳам ушбу халқаро зиддиятларни бир бўғини, маҳсули бўлиб юзага келди. Бу низони рақиб татафлар, ҳаттоки рағбатлантирардилар, кучайишини мўлжаллар эдилар. Яқин Шарқ мамлакатлари ҳар йили хориждан 10 миллиард долларгача қурол-яроғ сотиб олишади. Иккинчидан, Яқин Шарқ минтақасини ниҳоятда қулай географик уч қитъани — Осиё, Европа ва Африкани туташган жойида, чорраҳада жойлашиш ва денгиз-океанларга чиқиш йўлларини кўплиги, бой табиий заҳиралар ва кенг иқтисодий имкониятлари мавжудлиги бу ерларга эга бўлиш катта фойда ва манфаатлар келтирилишидан далолат берар эди. Буюк давлатларни бу ерга интилиши, кириб келиши ҳар бир даврда бевосита мазкур омил билан боғлиқ бўлган. Табиийки, минтақанинг ҳарбий-стратегик мақоми ҳам ниҳоятда юксак. Учинчидан, қадимий фаластин диёри (ҳозирги вақтда кўп ҳолларда расман унинг ҳамма ерлари Исроил давлати деб номланади) инсон ҳаёти ва саломатлигини сақлаш ва тиклаш учун ниҳоятда таъсири бор, мўътадил денгиз субтропик иқлимга эга. Бу ерда мазалиги ва ширалиги билан жаҳонга кенг танилган турли мевалар, қиматли хом ашё — пахта, зайтун етиштирилади, мамлакат ўзининг дам олиш масканлари ва тоғлари, улардаги шифобахш ўрмонзорлари, тиниқ соф ҳавоси билан машҳурдир.

Тўртинчидан, кўҳна тарих обидалари, учта қадимий-насронийлик, иудейлик ва ислом-динларининг муқаддас қадамжолари ҳам айнан Фаластин ерида жойлашган.

Бешинчидан — асли Фаластин ерларидаги шаҳарлар жаҳон миқёсидаги йирик, жозибали сайёҳлик марказлари бўлиб, давлат хазинасига йирик даромадлар келтиради.

Ўтган 1996 йил Араб-Исроил можароси ечимини топишга анча қулай келди, чунки Исроил давлати ва Ясир Арафот бошчилигидаги Фаластин озодлик

Муносабат

ҳаракати ўртасида бир миллиондан ортиқ араблар яшайдиган Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида ва Ғазо секторида Фаластин мухторияти ташкил қилиниши ҳақида шартнома тузилди. Тўғри, бу шартномага икки тарафдан ҳам қарши чиққанлар бўлди, террорчилик хатти-ҳаракатлар авжга чиқди. Зўравонлик, дўқ-пўписа, сиёсий ноаниқлик шароитида 1996 йил апрель ойидаги Исроилда бўлиб ўтган Президент сайловлари натижасида ҳокимият тепасига мўътадил Шимон Перес ҳукумати ўрнига арабларга нисбатан қаттиққўллик сиёсатини юргазиш тарафдорлари, яҳудий миллатчиларининг раҳбари Беньямин Нетаньяху келишга муваффақ бўлди. Бу воқеалардан сўнг, минтақадаги вазият тобора кескинлашиб борди ва Исроил давлати ичида Фаластин мухториятини вужудга келишига катта хавф туғдирган муаммо пайдо бўлди. Фаластинликлар идорасига ўтаётган 100 минг аҳолига эга Хеврон шаҳридан Исроил маъмурлари 400 та ватандошларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида у ерда жойлашган 10 минг аскарни олиб чиқилишини рад этдилар. Ваҳоланки, бу илгари имзоланган шартноманинг ҳал қилинган бир банди эди холос. Бу ҳолатда умумий шартнома ижроси уч ойга кечиктирилди, қуролли тўқнашувлардан ва мутассиб гуруҳларни икки тарафлама терроридан нобуд бўлган қурбонларнинг сони янада кўпайди. «Интифода» — фаластинликларни қуролли қўзғолонининг янгидан бошланиб кетишини хавфли кўринишлари пайдо бўлди ва яққол сезилди.

1996 йилнинг кузига келиб фаластинликлар тасарруфига ўтаётган ерлар масаласи атрофида вужудга келган кескин, истиқболи ноаниқ вазият АҚШ, Миср, Франция, Иордания қаби нуфузли мамлакатларнинг раҳбарларини музокараларга аралашишларига ва уларни барбод бўлмаслиги учун кўп уринишларига сабаб бўлди. Октябрь ойида Фаластин-Исроил музокаралари АҚШда Президент Клинтон ҳомийлиги ва воситаси орқали давом этди, кейинчалик бу жараёнга Миср ва Иордания раҳбарлари Президент Ҳ. Муборак ва қирол Ҳусайн бин Талал қўшилдилар.

Ниҳоят жорий йилнинг январь ойида Хеврон шаҳри ҳудудининг катта қисмидан Исроил қўшинлари олиб чиқиб кетилиши тўғрисида араблар томонидан яна бир махсус битим тузилди ва маъқулланди. Умуман эса, Исроил ҳарбий бўлинмалари мазкур шаҳарни 1998 йилнинг сентябрь ойигача бутунлай тарк қилишлари даркор. Минтақада оқил ва узоқ муддатли тинчлик истиқболини ва барқарорликни ўрнатишга интилган сиёсатчилар ҳамда оддий Фаластин ва Исроил фуқаролари бу борада ягона йўлни тўғри деб билишади ва унга риоя қилмоқдалар. Бу йўл — Яқин Шарқ муаммосини яхлит бир мажмуа сифатида музокаралар, тинчлик ўрнатиш йўлидаги учрашувлар воситасида ҳал этишдир.

Бундай ижтимоий муҳит 2000 йилга бориб Яқин Шарқ харитасида, Фаластин тарафи режалаштираётгандек, уларнинг мустақил давлати пайдо бўлади, деган умидни мустаҳкамлайди.

Араб мамлакатларининг 1973 йилда бирлашиб Исроил ва унинг иттифоқчиларига қарши сиёсат юргизгани, бутун Ғарб дунёсининг иқтисодини, нефть билан таъминотини ларзага солганлари ҳали ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилмаган. Яқин тарихда бўлиб ўтган кўп ҳодиса ва воқеалардан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, Яқин Шарқдаги тинчлик ва осойишталик иқтисоди тараққий этган давлатларга ҳам катта наф беради. Яна бир нарса равшанки, фаластинликларнинг мустақил давлатларини тузиш борасидаги одил, қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва талаблари жаҳоннинг аксарият давлатлари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Фаластин-Исроил можаросини, умуман Яқин Шарқ муаммосини батамом ҳал этилиши, дунёнинг бошқа минтақаларидаги можароларнинг ечимига жуда катта ижобий таъсир кўрсатади. Бундай беқарор манзиллар Афғонистон ва Тожикистонда ҳам афсуски мужассамдир. Уларнинг ҳар бири замонамизнинг энг долзарб ва ҳаётий масалаларидандир. Бу борада мамлакатимиз раҳбариятининг ташаббуслари ва чора-тадбирлари бутун дунёда маъқулланди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Фаластин-Исроил муаммосига муносабати уни фақат музокаралар асосида ҳал этилиши даркорлигини тасдиқлашдан иборатдир. Биз иккала жиҳат — Исроил давлати ва шаклланаётган фаластинликлар маъмурий-ҳудудий бирликлари билан кўп тарафлама, халқларимиз манфаатларига хизмат қиладиган муносабатларни ривожлантиришга самимий интиламиз, бунинг изчил тарафдоримиз.

Шуҳрат МАҲМУДБЕКОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

МИЛЛАТ ЙЎҚОЛМАС ЭКАН

Илгари аҳоли рўйхатида ненцлар деган атама бор эди. Бу миллат сафида яна бир миллат энцлар ҳам бор экан. Ҳозирда Красноярск ўлкасида яшаб келаётган бу миллат одамлари 210 кишидан иборатдир. Маҳаллий олимлар тадқиқотлари ана шундан далолат бермоқда. Сталин замонасида бу халқ расмий статистикадан чиқарилган. У кўп сонли қўшниси ненцларга қўшиб юборилган. Бироқ, олимлар Таймирга экспедиция қилишганда энцлар ўзларининг тил ва маданиятини сақлаб қолишган. Паспортида бошқа халққа мансублиги ёзилган бўлишига қарамай ўз миллатини унутишмаган.

РОССИЯ БОЖХОНАЧИЛАРИ ЎЛЖАСИ

Россия божхона идоралари ўтган йилда божхона қоидаларига риоя этилмаганлиги тўғрисида 160 мингта иш юритдилар. Бу 1995 йилга нисбатан икки марта кўпдир. 7700 кўҳна ва санъат буюмлари, 16 минг дона қурол, портловчи модда, ўқлар ушлаб қолинди. Божхоначилар 11,5 миллион АҚШ доллари, 36 килограмм олтин тортиб олдилар. Яширин олиб кетилаётган 5 минг ноёб ҳайвон ушлаб қолинди.

УАЗ "ОСИЁ-ВОЛГА"
МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ
Тошкент шаҳридаги омборхонадан УАЗ-3962 русумидаги автомобилларни ва УАЗ автомобиллари учун кенг турдаги эҳтиёт қисмларни

СОТАДИ.
Қуйидаги манзилга мурожаат этилсин:
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 16А уй, 221-хона
Телефонлар: 41-58-51, Факс: 41-52-41.

МАНҒИТЛАР, ҚЎНҒИРОТЛАР, МИНГЛАР

Боқий шажара

(Уч хонлик даври)

Йигирма учинчи мақола

Демак, 1505-1770 йиллар орасида Хоразмни асосан шайбонийлар сулоласи намояндалари бошқарганлар. Кўриниб турганидек, уларнинг, аниқроғи Арабхон наслидан тарқалган шайбонийларнинг ҳукмронлик йиллари Иброҳимнинг авлодлари — Бухоро шайбонийлари ҳукмронлик фаолиятидан (1500-1601) анча узоқроқ давом этган. 1770 йили эса Хоразмда амалий ҳокимият қўнғирот сулоласидан бўлмиш Муҳаммад Амин иноқ қўлида мужассамлашади. Ва шу тариқа мазкур вилоятда янги сулола — қўнғиротлар фаолияти бошланган.

Ўтган асрлар тарихчилари Абулғози Баҳодирхон, Мунис қолдирган маълумотларга кўра, 1511-1770 йилларда Хоразмда ҳукмронлик қилган шайбонийхонлар сони қирқ атрофида. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бири ҳақида батафсил тўхталмай, энг асосий воқеаларга диққатни қаратмоқчимиз.

Элбарсхон давридаёқ (1511-тахминан 1516) Хева хонлигининг сиёсий географияси шаклланди десак тўғри бўлади. Зеро, бу пайтда хонлик ғарбда Каспий денгизи, шимолда Орол денгизи ҳавзаси, жанубда Атрек дарёси ва Сарахс атрофларигача бўлган ҳудудни ўз ичига олганди. Арабхон (1602-1623) давригача пойтахт Урганч ҳисобланиб, кейин эса Хевага кўчирилган. Шунга кўра хонликни Хева хонлиги дейиш одат тусига кирган.

Хеваликлар мазкур фаолият майдони билан чегараланмасдан ички Хуросон, Бухоро хонлиги ерларига доимо юришлар уюштириб турганликларини биламиз. Ўз ўрнида Бухоро ҳам Хоразмни марказга бўйсундиришга кўп марта ҳаракат қилган. Чунончи, шайбонийлардан Убайдуллахон (1533-1539) ва Абдуллахон II (1583-1598) даврларида хевалик шайбонийлар бухоролик сулоладошларига бўйсунишга мажбур бўлганлар. Аммо Абдуллахон II ўлимидан сўнг ўша пайтдаги Хева хони Хожи Муҳаммадхон (1560-1602) яна мустақил сиёсат юргизиш имконига эга бўлганди. XVII асрга келиб эса Хева ва Бухоро хонликлари ўртасидаги муносабатларда бир оз ўзгариш юз берган. Яъни шу асрдан бошлаб Бухоро хонлиги бошқарувини қўлга олган янги сулола аштархонийлар намояндаси Назр Муҳаммадхон (1642-1645) замонида Хевада унинг номидан хутба ўқилганини, 1688 йили кейинги аштархонийлардан Субхонқулихон (1681-1702) Хевага ўз нойби Шоҳниёз эшикогобошини юборганини ҳисобга олинмаса, хеваликлардан Абулғози Баҳодирхон (1644-1663-1664) ва Анушахон (1664-тахминан 1687) даврларида Бухоро хонлиги ичкарисига муттасил ҳарбий юришлар уюштирилиб турилганини биламиз. Хусусан, Абулғози Баҳодирхоннинг ўзи олти марта шундай тадбирни амалга оширган бўлса, ўғли Анушахон 1685 йили ҳатто Самарқандни эгаллаб, бу ерда ўз номидан хутба ўқитган. Лекин шунга қарамай Бухоро кейинчалик ҳам Хевага нисбатан сиёсатидан воз кечмаган. Чунончи юқорида тилга олганимиз Муҳаммад Амин иноқ Хивада ҳокимиятни қўлга олишда Бухоро мададига суянгани маълум. Бу ҳақда хоразмлик тарихчи Мунис гувоҳлик беради.

Шундай қилиб, 1770 йилдан бошлаб Хевада янги сулола — қўнғиротлар сиёсий фаолияти бошланади. Қўнғиротлар фаолияти ҳам бир томондан бухоролик мангитлар сулоласи тарихининг ибтидосига ўхшаб кетади. Яъни Муҳаммад Амин ва унинг ўғли Аваз (1790-1804) амалий ҳокимиятни қўлда тутган ҳолда хонлик бошлиги сифатида сохта хонларни эълон қилганлар. Фақат 1804 йилигина навбатдаги қўнғиротлардан бўлмиш Элтузарнинг ўзи шахсан хонлик тахтига чиқиб, масаланинг расмий томонини ҳам ҳал қилади. Лекин у узоқ ҳукмронлик қилмаган. Кейинги ҳукмдор Муҳамад Раҳимхон (1806-1825) асосий эътиборни хонликни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратган бўлса, унинг давомчиси Оллоқулихон (1825-1842) кўпроқ Хуросон ва Бухоро муносабатлари билан банд бўлган. Шу ерда бир нарсага фикрни жалб қилиш ўринлидир.

Яқин даврларгача Туркистоннинг таркибий қисми бўлиб келган Хуросон учун курашни асосан XVII асрдан бошлаб хеваликлар олиб борганлар. Бухоро сиёсий кучлари бу борада анча суст сиёсат юргизиб, кўпроқ Қўқон ва Хева хонликлари билан қарама-қаршилик билан банд бўлганлар. Буни ҳам тушунса бўлади. Чунки Бухоро ўртада бўлиб ҳам шарқ, ҳам ғарб томонда кураш олиб борган. Шунинг учун ҳам хиваликларнинг Хуросонга нисбатан сиёсати жадалроқ бўлгани тушунарли. Чунончи, Оллоқулихон шахсан ўзи бошчилигида олти марта, Муҳаммад Амин II (1845-1855) даврида эса ўндан ортиқ бор Хуросонга юриш қилинган. Аммо Бухоро ва Хуросон «ишқи»да бўлган қўнғиротлар шимолдан бостириб келаётган Россия хавфига бошқа хонликлар каби қандайдир бир бепарволик билан қараганлар. Мана шу бефарқлик натижаси ўлароқ Муҳаммад Раҳимхон II (1865-1910) замонида Россиянинг 1873 йилги босқинидан сўнг энг аввало Хоразм аҳли ва табиий равишда қўнғиротлар сулоласи беғоналарга қарамлик ҳолатга тушиб қоладилар. Қачонлардир боболари сохта хонларни тахтга ўтказиб амалий ҳокимиятни қўлда тутган бўлсалар, энди қўнғиротлардан Муҳаммад Раҳим II ва сулоланинг сўнгги намояндаси Исфандиёр (1910-1918) Россия империяси ихтиёридаги сохта хонларга айланганлар.

Кўрилаётган даврда ўлкада мустақил сиёсий фаолият юргизган яна бир сулола ҳақида сўз юритсак.

Аштархонийлар ҳукмронлигининг сўнгги босқичида (Убайдуллахон, Абулфайзхон) марказий ҳокимият заифлашиб, вилоятлардаги бошбошдоқлик ҳаракати кучайиб кетгани ҳақида айтгандик. Биз кўпроқ Қўқон хонлиги деб биладиган сиёсий бирлик аслида худди шу омил — марказнинг (Бухоро) кучсизланиши, жойлардаги вазиятни ўз измида тута олмаганлиги натижасида юзага келганди. Гарчи 1705 йилда ҳам Фарғона, Андижоннинг Бухорога боғлиқлиги борасида манбаларда ишора бўлсада, аммо бир нарса аниқки, бу вақтда Фарғона водийсида пойтахтга кўра чодоқлик (Чустдан 40 км. шарқда) дин пешволарининг мавқеи катта эди. Дин пешволарининг ҳатто бир водий миқёсида сезиларли мавқега эга бўлишларини ўз пайтида темурийлар (XV аср иккинчи ярми), шайбонийлар (XVI аср ўрталари), аштархонийлар (XVII аср ўрталари) замонларида ҳам марказ сиёсати бўшашиши оқибатида дин пешволарининг роли ошиб бориши ҳолати билан ўхшатиш мумкин. Демак, бу ерда қандайдир бир қонуният бор (!). Шу билан бирга бундай ҳолат қанчалик давом этишидан қатъи назар, охири қандайдир бир сиёсий куч ўртага чиқиб, сиёсий тизгинни қўлга олади. Яъни сиёсий бўшлиқни тўлдиради. Фарғона водийсида ҳам шундай бўлган. 1709 йили майдонга минглардан бўлмиш Шоҳрух чиқади.

Минглар нафақат Фарғона водийсида, ҳатто мамлакатнинг бошқа ерларида ҳам яшаганлар. Масалан, манбаларда уларнинг Ургут, Чечакту, Маймана, Сарипул, Гуруз-вон, Шибирғон, Андхуд каби ерларда мавқелари етарли даражада бўлгани ҳақида далиллар бор. Минглар-нинг Фарғона водийсида сиёсий ҳокимиятни дадил қўлга олиб, кейинчалик уни бир бутун хонлик миқёсига кўтара олганликлари сабабларига келсак, биринчидан айтилганидек, водийда шунга яраша шароит туғилган. Иккинчидан эса аштархоний Убайдуллахон даврида Бухоро тасарруфидаги вилоятлардан баъзиларида катта мавқега эга минглар намояндалари (масалан, Ургутда Оллоҳберди минг, Маймана ва унинг атрофида Хушҳол минг) тазйиққа учрайдилар. Ва афтидан мазкур ҳолат Фарғонадаги мингларнинг фаоллашувига яхшигина туртки бўлган.

Ҳуллас, Убайдуллахон Фарғонада юз берган сиёсий бурилишга қарши бирон чора кўролмаган. Бунинг устига 1711 йили ўзи сиёсий фитна қурбони бўлганини ҳам биламиз. Кейинги аштархоний ҳукмдор Абулфайзхон эса кўрганимиздек, аввалига ўзи билан ўзи овора бўлиб, эронлик Нодиршоҳ юришидан кейин эса умуман аштархонийлар сулоласи тақдири ҳал этилган. Буларнинг бари оқибатда Фарғона водийсида аввалига Шоҳрух (1709-1721), сўнг эса унинг ворислари Абдурраҳим (1721-1733), Абдулкарим (1733-1750 қабилар замонида минглар сиёсий мавқеи мустаҳкамланиб, янги Қўқон хонлиги юзага келган. Минглар нафақат водийда оёққа туриб олганлар, балки Бухоро сиёсий доирасидаги Хўжанд (1725), Ўратепа (1726), Самарқанд (1729) қабиларга ҳарбий юриш уюштириб, вақтинча муваффақиятларга ҳам эришганликлари маълум.

Шу билан бирга минглар сулоласида ички зиддиятлар бўлгани ҳам манбалардан кўриниб турибди. Чунончи, Абдулкаримдан сўнг тахтга чиққан Абдурахмон атиги тўққиз ойгина хонлик қилгач, тахтдан туширилиб, ўрнига Ирдона (Эрдона) ўтқазилади. Бир йил ўтиб эса (1752) тилга олинган Абдурраҳим ўғли Бобобек тахтга даъвогарлик қилиб, ниятига эришса-да, аммо 1753 йилги Ўратепа юришида Бешарикда амирлар томонидан ўлдирилиб, хонлик курсисига яна Ирдона чиқади. Ирдона Қўқон хонлигини ички томондан мустаҳкамлашга кўп уринган сиёсатчи ҳисобланади. Шунингдек, у Фарғона водийсининг ўзига хос дарвозаси бўлмиш Хўжандни хонлик ихтиёрига киритишга ҳаракат қилгани, аммо бухоролик кучлар бунга йўл қўймаганликлари маълум. Ўша замон тарихчиси таърифи билан айтганда, Ирдона замонида хонлик қудрати анча юқори кўтарилиб, водийда тинчлик ва фаровонликка эришилган. Ирдона Қўқон хонлигининг шарқида жойлашган Ўш, Ўзганд каби ерларни ҳам бўйсундиришга эришган сиёсатчилардан. У бу билан чекланмасдан, 1758-1759 йиллари Хитойнинг ҳукмрон сулоласи бўлмиш цинлар томонидан забт этилган Шарқий Туркистонда ҳам ўз сиёсатини юргизишига ўриниб, у ерга ҳарбий юришлар уюштириб турганини биламиз. Бир сўз билан айтганда Фарғона вилоятида мустаҳкам ўрнашиб олган минглар қўрилаётган даврга келиб ғарбда Бухоро амирлиги, шарқда эса Хитой билан курашда бўш келмаганлар. Шундай сиёсатни кейинги ҳукмдор Норбўта (1770-1798) ҳам олиб борган.

Қўқон хонлигининг мавқеи, айниқса, Олимхон (1798-1810) замонида юксалди. Аввало мазкур ҳукмдор хонлик мақомини қабул қилгани билан машҳурдир. Ундан кейинги минглар намояндалари ҳам хон мақомида бўлганлар. Шу сабабдан ҳам 1709-1876 йиллари маркази Фарғона водийсида ҳисобланган ва минглар номи билан боғлиқ сиёсий бирликни Қўқон хонлиги дейиш одат тусига кирган.

Олимхон Қўқон хонлигининг кучайиб боришида ўзини кўрсатганлардандир, 1805 йили у Хўжандни эгаллаб, юқорида айтилганидек, Фарғона водийси учун стратегик аҳамият касб этган мазкур чегарани узил-кесил хонлик таркибига киритди. 1809 йили эса XVIII аср охирларидан бошлаб мустақил бўлиб олган ва Шайх Ховандтоҳур (ҳозирда Шайхонтоҳур номила машҳур, XIV асрнинг кўзга кўринган дин пешволаридан) авлодларидан бўлмиш Йўнусхожа етакчилик қилаётган Тошкент вилоятини ҳам Қўқонга бўйсундиришга эришади. Натижада Сайрам ва Чимкент томонларга қараб силжиш имкони туғиладди. Шу тариқа у Туркистон (Ясси) ва Авлиё отагача бўлган ерларга ҳарбий юришлар уюштиради. Мазкур йўналишда янада илгарилаб борган Умархондир (1810-1822). Чунончи у Сирдарёдан ундан ирмоқ олган Янгидарё ҳудудларигача кириб бориб, 1813-1815 йиллари Сирдарёнинг ўнг қирғоғида Оқмасжид қалъасига (ҳозир Қизил Ўрда) асос солади. Шунингдек Умархон томонидан Чимкентдан Или дарёсигача (яъни шарқий йўналишда) бир қатор қалъалар силсиласи бунёд этилгани маълум. Масалан 1814 йили Қоратоғнинг шимолий томонида Чўлоққўрғон, Олойда Қизилқўрғон, 1821 йили Талас дарёси бўйида юқорида тилга олинган Авлиёота (ҳозир Жамбул) ҳамда Улуғқўрғон, Даровутқўрғон шулар жумласидандир. Умуман олганда XIX аср 20-йилларида Қўқон хонлигининг шарққа қараб ҳаракати ниҳоятда сезиларли бўлган. Фикримиз далили сифатида шу аср нуз кураш кетса-да, бироқ қўқонликларнинг 1837 йили Қоратегин ва Дарвозни ҳам бўйсундиришлари ҳар ҳолда хонлик сиёсий мавқеининг ошишида катта воқеа бўлганди. Шу билан бирга ҳукмронлигининг сўнгги йилларида Муҳаммадалихон давлат ишларида калтабинликка йўл қўя бошлади. Чунончи, бир қатор нуфузли арбобларни тазйиқ остига олган, ижтимоий ҳаётда ахлоқ-шариат талабларига тамомила зид нолойиқликларга йўл қўйган. Натижада норозилик туғилиб, ундан қутилиш пайига тушиб, Бухоро амири Насруллога мурожаат этганлар. Пайтдан фойдаланган амир 1842 йили лашкар тортиб келиб Қўқонни қўлга олган. Шундан сўнг у Қўқонда ўз ноибини (баъзи манбаларга кўра Раҳим парвончи, бошқаларида эса Иброҳим хайол) қолдириб ҳамда қўқонликларнинг бутун қурол-яроғини олиб, Бухорога жўнайди. Аммо юқорида айтилганидек, Бухоро ноибининг ноўрин ҳатти-ҳаракатлари туфайли маҳаллий аҳоли орасида норозилик юзага келади ва бу ҳолат Қўқонда яна минглар сулоласи намояндалари, аниқроғи Шералихон ҳукмронлиги ўрнатилишига шароит яратади. Гарчи Шералихон тез орада Бухоро лашкарининг 1840-1842 йиллардаги Қўқон хонлигига нисбатан сиёсати натижасида қўлдан кетган Хўжанд ва Тошкент кабиларни яна хонлик доирасига қайтара олган бўлса-да, аммо бошқа бир омил — кўчманчи қипчоқлар орасида нуфузга эга қулон уруғидан бўлмиш Мусулмонқулнинг (1794-1852) хонликда катта мавқега эга бўлиши минглар сулоласига зарба бўлган.

Чунончи, 1844 йили Мусулмонқул Андижон, Наманганни ўз ҳукми остида бирлаштириб ва албатта энг аввало қипчоқларга суянган ҳолда Қўқонга таҳдид сола бошлайди. Субутсизлик қилган Шералихон ҳам Қўқонни, ҳам ҳокимиятни қўлдан беради. Гарчи у тахтда қолдирилган бўлса-да, амалдаги ҳукумат энди Мусулмонқул мингбоши ва унинг тарафдорлари ихтиёрига ўтганди. Хонликнинг энг муҳим бўғинларига ўз кишиларини тайинлаган Мусулмонқул сиёсати табиий равишда маҳаллий доираларга ҳуш келмаган. Гарчи, 1845 йили улар Шералихонни ўлдириб, ўрнига Олимхоннинг ўғли Муродни хон қилиб кўтариб, бу билан вазиятни ўзгартирмоқчи бўлсалар-да, аммо Мусулмонқул усталик билан, яъни аввалига янги хонни тан олиб, сўнг эса уни ўлдириб, Қўқон ҳукмдори сифатида Шералихоннинг ўн уч-ўн тўрт яшар ўғли Худоёрни (1845 йили) эълон қилади. Кўриниб турганидек, Мусулмонқул тахтга ёш болани ўтқазиб, бошқарув ишларини ўз қўлида сақлаб қолган. Бундай ҳолат то 1852 йилгача давом этган. Орада норозилик, айниқса илгаридан хонликда катта мавқега эга бўлиб келган маҳаллий намояндалар норизолиги тўлиб-тошиб боравергани. Бундан ташқари шайхўлислом Зокирхожа Намангониий, унинг ўғли Сулаймонхожа, Холмуҳаммад раъис, Хожамқули аълам кабиларнинг Мусулмонқул томонидан қатл қилиниши вазиятни янада етилтирганди. Шунингдек, қипчоқ сиёсий гуруҳлари орасида вужудга келиб борган қарама-қаршиликлар ҳам Мусулмонқул мавқеининг бўшашишида ўз таъсирига эга бўлганини биламиз. Чунончи, мазкур қарама-қаршилик натижасида 1846 йили Мусулмонқул вазифасидан четлаштирилган. Аммо бир йил ўтиб, у яна хонликдаги энг асосий кучга айланиб, 1848, 1849 йилдаги яна икки бор даргоҳдан четлаштирилганига қарамай, ҳар гал ҳокимиятни қўлга олишга муваффақ бўлаверган. Охири 1852 йили юқорида кўрсатилган сабаблар ҳамда умуман қипчоқларнинг кўчманчи, ярим кўчманчилик ҳолатидан шаҳарларга ўрнашишда маҳаллий ўтроқ аҳолига ўтказган зулмлари бир бўлиб, тошкентлик ва фарғоналик маҳаллий сиёсий кучлар бирлашиб Мусулмонқулни барча имтиёзлардан маҳрум қилиб, қатл эттирилишига эришадилар.

Бу билан бир қараганда энди Худоёрхон учун хонлик ишини сулола ва даргоҳ манфаати нуқтаи назаридан юргизиш имкони юзага келгандай бўлиб туюлса-да, аммо яна эски «касаллик» маҳаллий бекларнинг исёни (масалан, Тошкент, Ўратепа), энг муҳими шимолдан Россия империяси босқини билан боғлиқ воқеалар Қўқон хонлигининг бундан буёнги тақдирини иккилик қилиб қўйганди. Рус аскарлари шундоққина хонликнинг шимолий чегараларига қадам босиб турганларида ҳам ички зиддиятларга барҳам берилмаганига нима дея оласиз?! Ака-укалар — Худоёр ва Малла ўртасидаги кураш, 1858-1862 йилларда Маллахоннинг тахт соҳиби бўлиши, 1862 йили Худоёрхоннинг яна тахтга ўтириб, 1863-1865 йилларда Саидхон ҳукмронлиги (аслида яна бир қипчоқ намояндаси Алимқул ҳокимияти), 1865-1875 йиллари эса Худоёрхоннинг, сўнгги бор хонлик қилиши ҳам бир бўлган, шу йиллар орасида Россия томонидан бирин-кетин Қўқон хонлиги ерларини, аслида Туркистоннинг бир қисмининг босиб олиниши ҳам бир бўлган. 1876 йили Россия Қўқон хонлигини бутунлай йўқ қилиб, унинг доирасидаги ерларни ўзиники деб эълон қилади.

Шу ерда бошқарув масаласига тўхтаб ўтсак. Айтилганидек, Бухорода бошқарувнинг амирлик тизими жорий бўлган. Яъни энг олий давлат мақоми амир ҳисобланиб, табиий равишда бундай мақомда олий ҳукмдор — мангитлар сулоласи намояндаси фаолият кўрсатган. Шунинг учун ҳам мангитлар ҳукмронлиги даврида биз бошқа бирон бир амалдор ё ҳарбийга амир унвони берилганини кўрмаймиз.

Азамат ЗИЁ,
Ўзбекистон ФАШИ катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши №16 сонда).

Шатранж оламида

ТААЖУБЛАНИШ КЕРАКМИКИН?..

• **РЕСПУБЛИКА** марказий шахмат клубида бу йилнинг асосий мусобақаларидан бири — Узбекистон чемпионатининг биринчи табақа турнири бошланди. Унда қатнашиш учун республиканинг деярли барча вилоятларидан келган саксондан зиёд шахматчи куч синашди. Афсуски, ҳар сафаргидек яна Хоразм ва Жиззах вилоятларидан шахматчилар келишмади. Зеро, бу билан улар ўзлари минглаб ҳаваскорларининг шахматга бўлган ихлосларини қайтармоқда. Наҳотки, ҳар иккала вилоятда республика биринчилигида дона суришга арзигулик бирорта шахматчи топилмаса? Бу борада мутасадди ташкилотлар нима дер эканлар?

40 дан зиёд тахтада бошланган қизғин кураш ҳақида сўз юритадиган бўлсак, иккита қизиқ ҳолатни эслатиш жоиз, деб ўйлайман. Илгариги чемпионатлар олий табақа турнири қатнашчиси, андижонлик спорт устаси Иброҳимжон Каримовнинг тошкентлик, 15 ёшли спорт усталигига номзод Сергей Қаюмовдан ҳамда фахрий спортчи Григорий Бударинниг самарқандлик шахматчилар сулоласи — Ҳамроқуловларнинг энг кенжаси, 9 ёшли Жўрабекдан енгилишини қандай баҳолаш лозим? Буни асло кутилмаган ҳодиса, деб бўлмайди. Боиси, ёшларимиз тез суръатларда камол топмоқда, вассалом!

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

Мамлакатимиз аёлларининг севимли журнали «Саодат»нинг 1997 йилдаги 1-сони нашрдан чиқди. Уни варақларкансиз, кўнгилга юртимиз аёлларининг меҳри урилгандай бўлади. Бу йилнинг «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилингани ҳамда юксак маънавий қадриятларимизни оналаримиз қалбида гавҳардай сақланаётгани журнал ижодкорларининг диққат марказида турганлигининг гувоҳи бўламиз.

Журналист Г. Жамилова «Боботоғ этакларида» мақоласи билан — Сурхон аёлларининг бугунги орзу-ўйлари ва ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади. Юксак қадриятларимизни халқнинг юрагига яширинган гавҳарга қиёслаган журналист кайвони момоларнинг файзию она сутининг хосиятлари тўғрисида ҳаётий лавҳалар орқали ўз мулоҳазаларини баён этади.

«Она ҳақида сўз» рукнида Р. Зарипова қашқадарёлик оддий меҳнаткаш аёл Момогул опанинг ҳаётига чизгилар беради.

Муштарийлар журнални ўқиш жараёнида «Олтиариқ аёллари» билан, шоира Х. Бобомуродованинг «Қалбига шаҳарни сиғдирган аёл» мақоласи билан, таниқли боксчи А. Григорьяннинг онаси ҳақидаги ҳикоя билан танишишлари мумкин. Аёл қалби шеъриятга яқин. Таниқли шоира Г. Жўраева ҳамда шоиралар М. Мирзаева, Г. Матёқубова шеърлари кўнгиллар меҳмони бўлади.

Ш. Холмирзаевнинг янги асари «Булут тўсган ой» қаҳрамони Гулсара тақдири ўқувчини бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз.

«Муборак оқшом ҳикояти»да ёзувчи Миразиз Аъзам ёзган Сумайя хонимнинг имонга тўла қалбидан маҳзун ҳикоя берилган.

Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазири ўринбосари О. Й. Абдуллаева билан бўлган мусоҳабада оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида сўз боради.

Журнал саҳифаларида чекка қишлоқ аёллари ҳаётини, вилоятдаги тадбиркор опа-сингилларимизнинг фаолиятини, республикамизнинг турли бурчакларида яшаётган хотин-қизларнинг орзу-истаклари ёритилаётгани диққатга сазовор.

Ҳамро БОНУ.

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 11-fevral, seshanba № 18 (22.103).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Kunnoma

Yangiliklar, voqealar, xabarlar

Kelin salom. V. MOLGACHEV olgan surat.

VATAN HAQIDA QO'SHIQ

SAMARQAND. Chelak tumani badiiy havaskorlik guruhlari "Navro`z" bayrami qo`shiqlari" televizion tanloviga qizg`in tayorgarlik ko`rishmoqda. "Kattaturk" va "Navoiy" nomli madaniyat uyi, "Chinor" folklor guruhi yoshlari Vatanni madh etuvchi, istiqlolni ardoqlovchi qo`shiqlarni o`rganmoqdalar.

Lutfulla MAMASOLIYEV.

Божхона бекати

НИЯТИ БУЗУҚ ЭКАН

Вокзал ҳар доимгидек гавжум. Биров келади, биров кетади. Биров яхши ният билан, биров... Тошкент шаҳри божхоначилари одатдагидек, «Тошкент-Иркутск» йўналишидаги йўловчи поездни назоратдан ўтказаётган эди. Поездга олиб чиқилаётган бир неча катта идишларга жойланган юк тўхтатилиб, текшириб кўрилганда унда Россия Федерацияси фуқароси З. Воҳидовага тегишли икки ярим тонна қуруқ сут борлиги аниқ бўлди. Юк эгаси қуруқ сутни «Отчопар» бозоридан 550 минг сўмга сотиб олган-у, олиб чиқиб кетиш мумкин эмаслигини билмаган эмиш. Россия Федерацияси солиқ идораларининг бирида хизмат қилувчи бу ҳоним барчасини яхши билади, аммо нафс балоси не кўйга солмайди дейсиз.

Республикамиз тегишли қонунига биноан ушбу ғайриқонуний юк давлат фойдасига мусодара қилиниб, юк эгасига нисбатан катта миқдорда жарима солинди.

НАЙРАНГИ ЎТМАДИ

Сирдарё вилоятидаги «Мирзаобод» божхона масканида Қозоғистон томонга кетаётган иккита улкан «КамАЗ» юк автоуловларни божхоначилар одатдагидек тўхтатиб, назоратдан ўтказди. Юкхонада олиб чиқиши тақиқланмаган карам маҳсулоти ортилган эди. Аммо божхоначилар уловга бир назар ташлаб, юкхонани синчковлик билан текширилганда, «коса остида нимкоса» борлиги, карам фақат ниқоб эканлигини аниқлади. Машиналарнинг бирида 6 тонна, иккинчисида эса 8,5 тонна селитра бор экан. Юк эгалари сурхондарёлик «шоввозлар» К. Нишонов, С. Жўраев, Э. Аҳмедовлар иши юзасидан айни пайтда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Республика божхона хизмати матбуот маркази.

«ЎЗЭЛЕКТРКАБЕЛСАВДО» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Хабар қиладики, 1996 йилнинг тўртинчи чораги учун дивидендлар ҳар бир акцияга 105 сўм миқдорида белгиланди.

МАЪМУРИЯТ.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»); Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи И. ҲАМРОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 32 335 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 072

Босишга топшириш вақти – 21.00.
Топширилди – 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА